

Ҳадлар ва таъзирлар китоби

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

1. Ҳадлар (жазолар)га доир аҳкомлар ҳақидаги боб
2. Зинонинг ҳад-жазоси ҳақидаги боб
3. Қазф (покиза инсонни бузуқ деб бадном қилиш) жазоси ҳақидаги боб
4. Маст қилувчи (ичимлик) истеъмол қилиш жазоси ҳақида
5. Таъзирга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
6. Ўғирликнинг жазоси ҳақидаги боб
7. Қароқчиларнинг жазоси ҳақидаги боб
8. Боғийларга (тажовузкорларга) қарши уруш қилиш ҳақида
9. Муртадликка доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Таржимон: Ислом нури веб саифаси

www.Islamnuri.com

2013 - 1434

MyIslamicBooks.tk

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Ҳадлар (жазолар)га доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Ҳад – луғатда чегаралаш, ман қилиш маъносини англатади. Аллоҳнинг ҳадлари (ёки ҳудудлари) – қилиниши ва поймол қилиниши ман қилинган ҳаромларидир.

Шаръий истилоҳда эса ҳад деб бир гуноҳга қўл уришдан тўсиш мақсадида у учун шариатда белгилаб қўйилган жазога айтилади.

Унинг машруълиги Қуръон, Суннат ва ижмоъга биноандир.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шаръий жазолар фақат Аллоҳнинг бандаларига бўлган раҳмати туфайлигина машруъ бўлди, улар халқларга бўлган раҳм-шафқат ва уларга яхшилик исташдан содир бўлди. Шунинг учун ҳам одамларни гуноҳларига биноан жазога тортаётган киши бу билан уларга яхшиликни исташи ва уларга раҳм-шафқатни қасд қилиши керак бўлади. Худди ота ўз фарзандига адаб беришни ва табиб беморнинг муолажасини қасд қилгани каби...» (Ал-фатавал-кубро: 5/521).

Ҳадларнинг машруъ қилинишидаги ҳикмат шуки, улар нафсларни тийиб қўйиш, жазолаш ва тозалаш мақсадида машруъ бўлди. Улар аввало Аллоҳнинг ҳаққи учун, қолаверса жамиятнинг манфаати учун белгилаб қўйилган жазолардир. Аллоҳ таоло ушбу жазоларни жиноятларни содир қилувчи кишилар устига вожиб қилдики, инсоний табиатлар ҳам шуни тақозо қиларди. Улар бандаларнинг ҳаётлари учун ҳам, охиратлари учун ҳам жуда катта манфаатлар олиб келади. Зеро, подшоҳнинг бошқаруви ҳам жиноятчиларни жазолаш билан комил бўлади, шу билан осий исёнидан тийилади, итоатгўй киши хотиржам бўлади, ерда адолат барқарор бўлади, одамлар ўз жонлари, моллари ва обрў-номуслари хусусида омонликда бўладилар. Бу нарсага Аллоҳнинг ҳадларини барпо қиладиган жамиятларда гувоҳ бўлинадики, уларда омонлик, барқарорлик, тинч ҳаёт ҳукм суради. Аллоҳнинг ҳадларини бекор қилган ва уларни ваҳшийлик деб атайдиган, бу ҳукмларни замонавий маданиятга тўғри келмаслигини айтадиган жамиятларда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Улар ўз жамиятларини илоҳий адолатдан, хавфсизлик ва барқарорлик неъматидан маҳрум қилдилар. Ҳар қанча кучли-қудратли қурол-аслаҳаларга ва замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлмасинлар, то Аллоҳнинг бандалар манфаати учун

тузиб кўйган ҳадларини барпо этилмагунча бу нарсаларнинг ҳеч бири жиноятларнинг олдини олишда деярли фойдаси бўлмайди. Зеро, башарий жамиятларни ёлғиз қурол-яроғ ва асбоб-усуналар билангина бошқариб бўлмайди, уларни Аллоҳнинг шариати ва ҳадлари билангина бошқариш мумкин. Қурол-яроғ ва асбоб-усуналар агар уларни тўғри ишлатилса, шаръий ҳадларни ижро қилиш асбобларидир, холос.

Аллоҳнинг бутун оламга ҳидоят ва раҳмат қилинган ҳадларидан-чегараларидан тажовуз қилган у халқлар қандай қилиб бу ҳадларни ваҳшийлик деб номлайдилар-у, тажовузкор жиноятчининг қилмишини ваҳшийлик деб билмайдилар?! Ваҳоланки, у тинч халқнинг тинчлигини бузмокда-ку, бегуноҳ кишиларга жиноят содир қилиб, жамият хавфсизлигига таҳдид солмокда-ку?! Энг катта ваҳшийлик шу, аслида. Унга раҳм-шафқат қиладиган киши ундан кўра ҳам золимок ва ундан кўра ҳам ваҳшийроқдир. Лекин, агар ақллар йўқолса, табиатлар бузилса, ҳақни ботил, ботилни эса ҳақ деб кўрадиган бўлиб қолади.

Жиноятчига тўғридан-тўғри ҳадни ижро қилиб кетилавермайди, ҳадни татбиқ қилиш учун унинг шартлари топилиши керак бўлади:

Биринчи шарт: Жиноят содир этган киши оқил ва болиғ бўлиши. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қалам (яъни савоб ё гуноҳ ёзилиши) уч кишидан кўтарилган: ухловчидан то уйғонгунига қадар; гўдак боладан то балоғатга етгунига қадар; мажнундан то ақли жойига келгунига қадар», деганлар (Абу Довуд (4398), Насоий (3432) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар). Агар мазкур кишиларга ибодат фарз бўлмас экан, демак улардан ҳад ҳам албатта соқит бўлади. Чунки, улар мукаллаф эмаслар.

Иккинчи шарт: Жиноят содир этган киши шу ишнинг ҳаром эканини билган бўлиши. Ҳаромлигини билмаган кишига ҳад ижро қилинмайди. Чунки, Умар, Усмон ва Алий розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинишича, «Ҳадни фақат уни (яъни, ҳаромлигини) билган кишига ижро қилинади» (Абдурраззоқ (№13642, 13648, 13644), Байҳақий (8/415) ривоятлари). Саҳобалардан уларга муҳолиф бўлгани маълум эмас. Ал-Муваффақ ибн Қудома: «Бу бутун аҳли илмларнинг сўзидир», дейди (Ал-муғний: 9/56).

Жиноят содир этган шахсга шаръий ҳад-жазо татбиқ этилиши учун мазкур шартлар топилган тақдирда ҳадни имом ёки унинг ноиби татбиқ қилади.

Чунки, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳадларни ижро қилардилар, сўнг у зотдан кейин халифалари ижро қилишарди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳадни ижро қилиш учун ўзларидан бир ноибни вакил ҳам қилганлар ва унга: «Эй Унайс, ўша аёл олдига боргин, агар (зино қилганини) бўйнига олса, уни тошбўрон қил», деганлар (Бухорий (2314) ва Муслим (1697) Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ал-Жуханий розияллоху анхумодан ривоят қилганлар). Моизни тошбўрон қилишга буюрганлар (Бухорий 96815) ва Муслим (1697) Абу Ҳурайра розияллоху анхумодан ривоят қилганлар) ва ўзлари ҳозир бўлмаганлар, бир ўғри ҳақида: «Уни олиб бориб, кўлини кесинглар», деганлар (Насой (4877) Абу Умайя ал-Махзумий розияллоху анхумодан ривоят қилган). Чунки, ҳад ижтиҳодга муҳтож бўлади ва адолатсизлик ҳолати бўлиб қолишдан омонликда бўлмайди. Шунинг учун унинг татбиқида адолатга кафил бўлиш учун имом ёки ноиб унга бош бўлиши фарз бўлади. Ҳадлар зинонинг ҳаддига ўхшаган Аллоҳнинг ҳаққи бўладими ёки бўхтоннинг ҳаддига ўхшаган одамийнинг ҳаққи бўладими, фарқсиз.

Шайх Тақийуддин ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Муайян қавмга тегишли бўлмаган ҳадлар ва ҳақлар... Аллоҳнинг ҳадлари ва Аллоҳнинг ҳақлари деб аталади. Йўлтўсарларнинг, ўғриларнинг, зинкорларнинг ва ҳоказоларнинг ҳадлари каби... Уларни шарафли инсонга ҳам, паст-тубан кишига ҳам, кучлига ҳам, заифга ҳам баробар ижро қилиш фарз бўлади» (Мажмуъул-фатава: 28/297).

Ҳадни масжид ичида ижро қилиш жоиз эмас, уни фақат масжиддан ташқарида ижро қилинади. Чунки, Ҳаким ибн Ҳизом ривоят қилган ҳадисга кўра: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам масжидда қасос олинишидан, у ерда шеърлар ўқилишидан, у ерда ҳадлар ижро қилинишидан қайтардилар» (Абу Довуд (4490), Термизий (1405), Ибн Можа (2599) ривоятлари). Бу ерда қайтарилган шеърлардан мурод покиза бўлмаган шеърлардир.

Ҳад-жазонинг ижроси борасида унинг хабари султонга етганидан сўнг ўртага тушиш, уни соқит қилиш ва ижро қилдирмаслик учун воситачи бўлиш ҳаром бўлади. Улул-амр (халифа, ҳоким) бундай воситачиликни қабул қилиши ҳам ҳаром бўлади. Чунки, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кимнинг шафоати Аллоҳнинг ҳадларидан бир ҳад олдига тўсиқ

бўлса, у Аллоҳга унинг ишида қаршилиқ қилибди», деганлар (Абу Довуд (3597), Байҳақий (6/82) Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Ўғрини афв қилишни истаган бир кишига: «Менинг ҳузуримга олиб келмасдан туриб қилмабсан-да?!», деганлар (Абу Довуд (4394), Насоий (4884), Ибн Можа (2595) Сафвон ибн Умайя розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ҳадни бекор қилиш на шафоат билан, на ҳадя билан, на бошқа нарса билан бўлсин, ҳалол бўлмайди. Бу хусусда шафоатчилик (воситачилик) қилиш ҳам дуруст бўлмайди. Ким уни ижро қилишга қодир бўла туриб, мана шу сабаблардан биронтаси учун уни бекор қилса, унга Аллоҳнинг, малоикаларнинг ва барча одамларнинг лаънати ёғилади» (Мажмуъул-фатава: 28/298).

Яна айтади: «Зинокор, ўғри, арокхўр, йўлтўсар ва шу кабилардан на байтул-молга, на бошқага пул-мол олиб, шу билан ҳадни бекор қилиш жоиз эмас. Ҳадни бекор қилиш мақсадида олинган пул ифлос ва ҳаромдир. Агар улул-амр (давлат бошлиғи) шу ишни қилса, иккита катта фасодни жамлаган бўлади, уларнинг бири ҳадни бекор қилиш бўлса, иккинчиси ҳаромхўрликдир, у шу билан вожибни тарк қилиб, ҳаром ишни қилган бўлади... Зинокор, ўғри, арокхўр, йўлтўсар ва шу кабилардан ҳадни ижросини қолдириш мақсадида олинган пул ҳаром ва ифлос эканига (уламолар) ижмоъ қилганлар. Одамларнинг жуда кўп ишларида бўладиган фасодлар пул-мол ё обрў воситасида ҳадни бекор қилиш орқали юзага келади... Ва бу мутаваллий (яъни ишбоши)нинг ҳурмати кетиши, қалбларда унинг қадрни пасайиши ва ишининг орқага кетиши сабабидир» (Мажмуъул-фатава: 28/302-303).

Жиноятларни таг-томиридан қуритиш ва уларнинг ёмонлигидан жамиятларни сақлаб қолиш фақат жиноятчиларга нисбатан шаръий ҳад-жазоларни қўллаш билангина амалга ошиши мумкин. Улардан молиявий жарималар олиш, қамокқа ҳукм қилиш ва шу каби жазолар қўллаш ёмонлик ва зулмнинг зиёда бўлишига хизмат қилади, холос.

Фуқаҳолар раҳимаҳумуллоҳ сўзларига кўра, ҳадлар ижро қилиниши фарз бўлган жиноятлар бешта бўлиб, улар – зино, ўғирлик, йўлтўсарлик, арокхўрлик ва қазф (яъни, покиза инсонларни бузуқлик билан тухматлаш)дир. Бундан бошқа жиноятлар учун таъзир бериш фарз бўлади.

Бу ҳақда куйироқда тўхталамиз, иншооллоҳ.

Ҳадларда энг каттиқ дарра урилиши зинокорга дарра урилиши, сўнг тухматчига дарра урилиши, сўнг ароқхўрга дарра урилиши, сўнг таъзир учун дарра урилишидир. Чунки, Аллоҳ таоло зинокорликни кучли таъкид билан хослаган ва: «Агар сизлар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирувчи бўлсангизлар Аллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин!», деган (Нур: 2). Зинодан бошқаларнинг (дарра урилиши) адади ундан камроқдир, сифатда ҳам ундан қаттиқроқ қилиб уриш жоиз бўлмайди.

Уламолар айтганлар: Ким ҳад урилиши билан ҳалок бўлса, унга зомин бўлинмайди ва уни дарралаган одамга ҳеч нарса фарз бўлмайди. Чунки, у Аллоҳнинг ва Расулининг амрини шаръий кўринишда адо этган бўлади.

Аммо, агар ҳадни ижро қилишда шаръий ҳаддан тажовуз қилиниши оқибатида ҳад урилган киши ҳалок бўлса, ҳад урган киши унинг диясига зомин бўлади. Чунки, у унинг тажовузи сабабли талафотга учраган бўлади.

Ал-Муваффақ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бизнинг билишимизча, бунда хилоф йўқдир» (Ал-муғний: 9/140).

Зинонинг ҳад-жазоси ҳақидаги боб

Фуқаҳолар раҳимаҳумуллоҳ сўзларига кўра, зино ҳаддини ижро қилишда имом ё ноиби ҳамда мўминлардан бир тоифаси ҳозир бўлишлари фарз бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар!» (Нур: 2).

Зино энг катта жиноятлардандир. Унинг қабоҳати, гуноҳ ва ёмонлиги тафовутли бўлади. Эрли аёл билан зино қилиш, маҳрам билан зино қилиш, кўшнининг аёли билан зино қилиш унинг энг катта турларидандир.

Зинонинг оқибатида насаблар аралашиб кетиши, ўзаро танишув ва ҳақ устида бир-бирига ёрдам беришлар бекор бўлиши ҳосил бўлганидан ва у сабабли насллар ҳалокатга дучор бўлганидан у энг оғир жиноятлардан ва энг катта гуноҳлардан саналди ва ана шундай оғир оқибатларга сабаб бўлгани учун ҳам Аллоҳ таоло унга шундай қаттиқ жазо тайин қилди. Яъни, зинокорни тошбўрон қилиб ўлдириш ёки дарралаш ва ватанидан сургун қилиш жазосига ҳукм қилди. Токи, бу гуноҳни қилишдан тийилиш ҳосил бўлсин. Қолаверса, ушбу жиноят ортидан жамиятларни вайрон қиладиган

касалликлар пайдо бўлади. Шунинг учун шариат соҳиби ундан қаттиқ суратда қайтарди. Аллоҳ таоло: «Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузукликдир - энг ёмон йўлдир» (Исро: 32), деди ва уни қилганларга ана шундай оғир жазони белгилади.

Фуқаҳолар — раҳимаҳумуллоҳ — зинога «олд ёки орқа тарафига фаҳш иш қилиш» деб таъриф берганлар.

Ибн Рушд — раҳимаҳуллоҳ — айтади: «У саҳиҳ никоҳдан, шубҳали никоҳдан ва қўлида мулк бўлгандан бошқа ҳолда содир бўлган ватъ (жинсий алоқа)дир. Бунга ислом уламолари томонидан иттифоқ қилинган, гарчи улар шубҳали ҳолат жазони бекор қиладими, йўқми, деган масалада ихтилоф қилган бўлсалар ҳам...» (Бидаятул-мужтаҳид: 2/529).

Агар зинокор муҳсон (турмуш қурган, оила кўрган) ва мукаллаф (оқил ва болиғ) бўлса, эркак бўладими, аёл бўладими, то ўлгунича тошбўрон қилинади. Саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейин келган барча асрлардаги уламолар шу сўзни айтганлар ва бунда хаворижлардан бошқа ҳеч ким уларга мухолиф бўлмаган.

Қолаверса, тошбўрон қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оғзаки ва амалий мутавотир суннатлари билан ҳам собитдир.

Тошбўрон ҳақида Қуръони каримда ҳам зикр қилинган, кейин унинг лафзи мансух бўлиб, ҳукми сақланиб қолгандир. У: «Шайх ва шайха (яъни, ёши улуғ эркак ва аёл) зино қилсалар, Аллоҳ томонидан азоб бўлсин учун уларни албатта тошбўрон қилинглр. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир» деган оят эди (Ибн Можа (2553) ривоят қилган, унинг асли Бухорийда (6830) ва Муслимда (1690) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривояти билан мавжуддир).

Тошбўрон қилиш лафзи мансух бўлиб, ҳукми сақланиб қолган оят билан, шунингдек мутавотир суннат ва ижмоъ билан собит бўлгани ҳолда, хаворижлар ва уларнинг ҳукмини олган айрим замонавий ёзувчилар ўз ҳаволарига эргашиб ҳамда шаръий далилларни ва мусулмонларнинг ижмоъларини оёқости қилиб, тошбўронни инкор қилишга журъат этдилар.

Зино қилса тошбўрон қилиниши фарз бўлган муҳсон — ўзининг муслима ёки зиммия хотинини – ўзи ҳам, хотини ҳам оқил, болиғ ва озод бўлган ҳолларида – саҳиҳ никоҳ билан олдиға (яъни жинсий аъзосига) алоқа қилган кишидир. Агар мазкур шартлардан бирортаси эр ё хотинда топилмаса, муҳсон ҳисобланмайди. Демак, шартлар қуйидагича бўлиши керак:

Ватъ (яъни, жинсий алоқа) олди (жинсий аъзо)га бўлган бўлиши.

Ватъ саҳиҳ никоҳ билан бўлган бўлиши.

Ҳар иккисида етуклик, яъни оқил ва болиғлик ҳамда озодлик сифати топилган бўлиши.

Саййиб (турмуш кўрган одам) турмуш қурган ва ҳаром фаржлардан сақланиш нима билан бўлишини билган ҳамда ундан (яъни ҳаром фарждан) беҳожат бўлган ва ўзини зинокорликнинг жазосига гирифтор этишдан сақлаш имконини қўлга киритган бўлгани учун ҳам тошбўрон қилинишга хосланди. Чунки, унинг узри ҳамма тарафлама кетганди, унинг ҳаққида неъмат комил бўлганди. Ҳаққида неъмат комил бўлган кишининг жинояти энг ёмон жиноят бўлиб, энг оғир жазога ҳақли бўлади.

Агар муҳсон бўлмаган балоғат ёшидаги ва озод одам зино қилса, унга юз дарра урилади. Чунки, Аллоҳ таоло: «Зинокор аёл ва зинокор эркак — улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар», деди (Нур: 2). Унда узр бор бўлгани учун муҳсонга бериладиган жазо – ўлим жазоси – ундан енгиллатилди ва дарраланишга айланди. Шу билан унинг қони сақлаб қолинади ва зино қилгани эвазига дарралашнинг энг юқори тури билан дарраланадиган жазосини олади. Аллоҳ таоло айтади: «Агар сизлар Аллоҳга ва охирага қўнғунга иймон келтирувчи бўлсангизлар Аллоҳнинг (бу) ҳукмида (яъни зинокорларни дарралашда) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин!» (Нур: 2). Яъни, ҳад ижросини қолдириш билан уларга раҳм қилманглар. Зеро, иймон динда салобатли бўлишни ва унинг ҳукмларини ижро қилишда жидду-жаҳд кўрсатишни тақозо қилади.

Дарралаш билан бирга бир йил муддатга сургун қилиш ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари билан собит бўлган. Термизий ва бошқалар ривоят қилишларича: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарраладилар ва сургун қилдилар, Абу Бакр дарраладилар ва сургун қилдилар, Умар дарраладилар ва сургун қилдилар» (Термизий (1438), Байҳақий (8/223) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бикр бикр билан (яъни, ҳали оила қурмаган йигит ва қиз зино қилсалар) юз дарра ва бир йил сургун (жазосини оладилар)», деганлар (Муслим (1690) Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Агар зинокор мамлук (яъни, кул ё чўри) бўлса, эллик дарра урилади. Чунки,

Аллоҳ таоло чўрилар ҳақида: «Энди эрга теккач, агар бузуклик қилсалар, уларга озод аёлларга бериладиган азобнинг ярми берилур», деди (Нисо: 25). Бу ҳукмда эркак ва аёлнинг фарқи йўқ. Қуръони Каримда зикр қилинган азоб дарралашдир. Тошбўрон қилиш гарчи Қуръонда зикр қилинган бўлса ҳам, унинг лафзи ва тиловати мансух бўлган, ҳукми сақланиб қолган.

Қулни сургун қилинмайди. Чунки, бу билан унинг хожасига зарар берилган бўлади. Қолаверса, зино қилган қулни сургун қилиш ҳақида суннат ворид бўлмаган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳсон бўлмаган ва зино қилган чўри аёл ҳақида: «Агар зино қилса, дарраланглар. Яна зино қилса, яна дарраланглар. Яна зино қилса, яна дарраланглар...», деганлар (Бухорий (2153) ва Муслим (1703) Абу Хурайра ва Зайд ибн Холид розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар), сургун қилишни айтмаганлар.

Ҳад (жазо) фақат ватъ (жинсий алоқа) шубҳадан холи бўлгандагина фарз бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шубҳалар бўлганида имконингиз борича ҳадлар (ижроси)ни бекор қилингиз», деганлар (Шу мазмунда Термизий Оиша розияллоҳу анҳодан (1424) ва Ибн Можа Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан (2545) ривоят қилганлар). Бир аёлни ўзининг хотини деган гумонда ватъ қилган кишига, ботил ақд билан уни саҳиҳлигини эътиқод қилган ҳолда ватъ қилган кишига, ихтилофли никоҳда ватъ қилган кишига, Исломга яқинда кирган ва зинонинг ҳаромлигини билмаган кишига, Ислом диёридан узоқ саҳрода ўсиб-улғайган кишига, зинога мажбур қилинган аёлга ҳад ижро қилинмайди.

Ибнул Мунзир айтади: «Биз билган барча аҳли илмлар шубҳалар бўлганда ҳадлар ижро этилмаслигига иттифоқ қилганлар...» (Ал-ижмоъ: 162-б).

Бу ҳам шариати исломиянинг қулай ва енгил эканига далилдир. Чунки, шубҳанинг ўртага чиқиши у одамнинг жиноятни қасд қилмаганига далил бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «Қилган хатоларингиз сабабли сизлар учун гуноҳ йўқдир, лекин кўнгилларингиз (билан) қасд қилган нарсадагина (гуноҳкор бўлурсизлар). Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир» (Аҳзоб: 5).

Зинокорга ҳад ижро қилиш фарз бўлиши шартларидан бири унинг зино қилгани собит-аниқ бўлиши. Бу эса икки ишдан бири билан собит бўлади:

Биринчи иш: Унинг ўзи тўрт марта иқроп бўлиши. Чунки, Моъиз ибн Молик розияллоҳу анҳу ҳадисида келганидек, у Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг ҳузурларига эътироф қилиб келди, кейин яна, кейин яна келди. У зот ҳар сафар уни қайтариб юбордилар. Охири эътироф қилиб келиши тўрттага етди. Агар ундан ками ҳам кифоя қилганида, унга ҳадни ижро қилаверган бўлардилар.

Зинога бўлган иқрор саҳиҳ бўлиши учун жинсий алоқанинг ҳақиқатини очик айтиши ва то унга ҳад ижро қилингунига қадар ҳам шу иқроридан қайтмаслиги шарт бўлади. Агар зинонинг ҳақиқатини ошкор айтмаса, унга ҳад урилмайди. Чунки, у зинодан бошқа, ҳадни вожиб қилмайдиган бирон хил ҳаром лаззатланишни кўзда тутган бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига Моъиз розияллоҳу анху иқрор бўлиб келганида унга: «Балки ўпгандирсан ё тегингандирсан ё қарагандирсан?!», дедилар. У: «Йўқ», деб жавоб берди. Бир неча бор сўраб, аниқлаштирдилар, ҳатто барча эҳтимоллар бартараф бўлди.

Агар ҳад ижро қилинишидан олдин иқроридан қайтса, унга ҳад ижро қилинмайди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Моъиз ва бошқаларни ўз иқрорларидан қайтармиканлар деб қайта-қайта иқрор қилдирганлар, унинг азобга чидаёлмай қочгани айтилганда: «Қўявермабсизлар-да, балки тавба қилса ва Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилса эди», деганлар (Абу Довуд (4419) Нуайм ибн Ҳаззолдан, у отасидан ривоят қилган).

Иккинчи иш: Унга қарши тўртта шоҳид гувоҳлик бериши. Чунки, Аллоҳ таоло: «Улар тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?!» (Нур: 13) деди, «Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар...» (Нур: 4) деди, «Хотинларингиздан қайси бир аёл фоҳишалик қилса, ундай аёлларнинг устида ўзларингиздан бўлган тўрт кишини гувоҳ қилинг» (Нисо: 15) деди.

Шоҳидларнинг унга қарши гувоҳликлари дуруст бўлиши учун қуйидагилар шарт қилинади:

Унга қарши бир мажлисда гувоҳлик беришлари.

Унинг битта зиносига, яъни битта воқеага гувоҳлик беришлари.

Зинони очик-ойдин қилиб, ундан бошқа ҳаром лаззатни кўзда тутулиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа эҳтимолларга ўрин қолдирмайдиган даражада сифатлаб беришлари. Чунки, баъзан ҳадни вожиб қилмайдиган ҳаром лаззатни ҳам зино лафзи билан таъбир қилинади. Шу боис шубҳа

бартараф этилиши учун зинони очик айтишлари шарт бўлади.

Адолатли эркак кишилар бўлиши. Аёлларнинг ва фосиқларнинг бу борадаги гувоҳлиги қабул қилинмайди.

Ораларида кўрлик ва шу каби монельлик бўлган кишининг йўқ бўлиши.

Агар мазкур шартлардан бирон шарт бузилса, уларга қазф (покиза инсонга бузуқлик билан тухмат қилиш) жазоси ижро қилинади. Чунки, улар тухматчи бўлиб қоладилар. Аллоҳ таоло айтади: «Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) уларни саксон дарра уринглар..» (Нур: 4).

Зинонинг мазкур далил-исботлар ёки иқрор билан собит бўлишига уламолар томонидан иттифоқ қилинган. Фақат улар зино учинчи бир иш билан, яъни ҳомиладорлик билан ҳам собит бўладими, деган масалада ихтилоф қилганлар. Яъни, масалан, эри ё хожаси бўлмаган аёл ҳомиладор бўлиб қолса, уни зинога ҳукм қилинадими? Баъзилар бу билан ҳад собит бўлмайди, чунки ҳомила мажбурланганлик ёки шубҳа ватъидан (жинсий алоқадан) бўлганлик эҳтимоли бор, деганлар. Баъзилар эса агар аёлнинг ўзи шубҳани даъво қилмаса, унга шу билан ҳад ижро қилинади, деганлар.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Хулафои рошидиндан маъсур бўлган нарса шудир, шариатнинг асл-асосларига ўхшашроқ ҳам шудир ва бу аҳли Мадина мазҳабидир. Чунки, нодир эҳтимолларга илтифот қилинмайди» (Мажмуъул-фатава: 28/334).

Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Умар ибн Хаттоб ва у киши билан бўлган саҳобалар розияллоҳу анҳум эри ва хожаси бўлмаган аёлнинг ҳомиладорлиги зоҳир бўлганида уни тошбўрон қилишга ҳукм қилганлар. Молик ва Аҳмад – икки ривоятнинг саҳиҳроғида – зоҳирий белгиларга қараб, шу фикрга борганлар» (Ат-турукул-ҳикамийя: 8-б).

Зинода ҳадни ижро қилиш шартлари топилганда ҳад фарз бўлгани каби, ливот (яъни, Лут қавмининг иши, баччавозлик)да ҳам ҳад фарз бўлади. Ливот – фаҳш ишни орқага қилиш бўлиб, у ҳам хабис жиноят ва тоза инсоний табиатга зид бўлган қабих ишдир.

Аллоҳ таоло Лут қавми ҳақида айтади: «Лут ўз қавмига: «Шундай бузуқлик қиласизларми? Ахир сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эдику?! (Наҳотки) сизлар хотинларингизни кўйиб, нафсингизни қондириш учун эркакларга борсангиз?! Йўқ, сизлар ҳаддан

ошувчи қавмдирсиз», деганини эсланг!» (Аъроф: 80, 81). Унинг ҳаромлиги Куръон, Суннат ва ижмоъдан маълумдир.

Аллоҳ таоло ливотагарларни ўзларидан илгари бутун оламлар ичидан бирон кимса қилмаган фаҳш ишни қилганлик билан сифатлади, демак улар оламда шузуз (камёб) кимсалардир. Уларни ҳаддан ошувчи ва жинойтчи деб сифатлади ва жинойтлари ўта қабих бўлгани туфайли уларга бошқа ҳеч кимга туширмаган жуда қаттиқ азобини туширди, яъни улар устига ерни ағдарди ва устларига тош ёмғири ёғдирди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам лаънатладилар (Ибн Адий «Комил»да (3/154) ушбу лафз билан Абу Саид розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Саҳобалар иттифоқ қилган саҳиҳ гапга кўра, ҳар иккаласи ҳам – тепадаги ҳам, пастдаги ҳам қатл қилинади, муҳсон бўладими, муҳсон бўлмайдими, фарқсиз... Саҳобалар уларнинг қатли ҳақида ихтилоф қилмаганлар, балки қатлнинг тури ҳақида турли фикр билдирганлар. Баъзиларига кўра, қишлоқдаги энг баланд девор устидан улоқтирилади ва ортидан тошбўрон қилинади» (Мажмуъул-фатава: 28/335).

Ал-Муваффақ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Чунки, бу – яъни ливотагарни қатл қилиш – саҳобалар розияллоҳу анҳум ижмоъларидир, улар уни қатл қилишга иттифоқ қилганлар, фақат қатлнинг сифати хусусида ихтилоф қилганлар» (Ал-муғний: 10/161).

Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Саҳиҳ гап шуки, уни муҳсон бўлса ҳам, муҳсон бўлмаса ҳам, қатл қилинади» (Жамиъул-улуми вал-ҳикам: 128-б).

Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «Энди қачонки Бизнинг фармонимиз (яъни азобимиз) келганида, у жойларни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг устига Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик» (Худ: 82).

Имом Аҳмадга кўра, унинг ҳадди-жазоси тошбўрондир, бикр (ҳали уйланмаган) бўлсин, саййиб (турмуш қурган) бўлсин, фарқсиз. Бу имом Моликнинг ва имом Шофийнинг икки қавлидан биридир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимни лут қавмининг ишини қилаётганини топсангиз, қилувчини ҳам, қилинувчини ҳам ўлдилингиз», деганлар (Абу Довуд (4462), Термизий (1456), Ибн Можа (2561) Ибн Аббос розияллоҳу

анхумодан ривоят қилганлар). Бир ривоятда: «Тепедагини ҳам, пастдагини ҳам тошбўрон қилингиз» (Ибн Можа (2562) Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган).

Эркак киши ўз аёлининг орқасига қўшилиши ҳам ливотагарчилик саналади. Аллоҳ таоло айтади: «Уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади» (Бақара: 222). Ибн Аббос, Мужоҳид ва бошқалар: «Аллоҳ буюрган тарафдан мурод – фарж (яъни жинсий аъзо)», деганлар.

Алий ибн Аби Талҳа Ибн Аббос розияллоху анхумонинг: «Уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз!» (Бақара: 222) ояти ҳақида: «Яъни фаржга, ундан бошқасига ўтманглар! Ким шундай қилса, тажовуз қилган бўлади», деганларини ривоят қилган (Саҳифа Алий ибн Аби Талҳа ан Ибн Аббос фит-тафсир: 106-б).

Бундай кимсалар тийиб қўювчи қаттиқ азобга дучор қилинишлари лозим бўлади. Агар мазкур жиноятни қилишдан тийилмаса, хотини ундан ажралишни талаб қилиши ва ундан узоқлашиши фарз бўлади. Чунки, у пасткаш ва қабих кимсадир, у билан шу ҳолида бирга яшаб қолиш дуруст бўлмайди.

Қазф (покиза инсонни бузук деб бадном қилиш) жазоси ҳақидаги боб

Фуқаҳолар раҳимаҳумуллоҳ қазфга «зино ё ливота билан туҳмат қилиш» деб таъриф берганлар. Аслида у «куч билан отиш» маъносида бўлиб, кейин зино ва ливота билан туҳмат (тошини) отишга истеъмол қилинган.

У Қуръон, Суннат ва ижмоъ билан ҳаром қилинган.

Аллоҳ таоло айтади: «Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) уларни саксон дарра уринглар ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар! Улар фосиқ-итоатсиз кимсалардир» (Нур: 4). Қозифнинг – яъни бадном қилувчининг дунёдаги нақд азоби шудир. Яъни, унга дарра урилади ва гувоҳлиги қабул қилинмайди, айтган гапини исбот қилолмаса фосиқ, ноқис ва пасткаш деб эътибор қилинади. Охиратдаги жазоси эса Аллоҳ таоло қуйидаги оятда баён қилганидекдир: «Албатта (бузук ниятлардан) беҳабар, покиза, мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатга дучор бўлдилар. Улар учун улуғ азоб бордир. У кунда

(қиёматда) қилиб ўтган (бўхтонлари) сабабли уларнинг тиллари ҳам, қўл ва оёқлари ҳам ўзларининг зиёнларига гувоҳлик берур. Ўша кунда Аллоҳ уларнинг ҳақиқий жазоларини комил қилиб берур ва улар Аллоҳнинг аниқ ҳақ эканини билурлар» (Нур: 23-25).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Еттига ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглар!», дедилар ва покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуклик билан тўхматлашни улар жумласидан деб санадилар (Бухорий (2766), Муслим (89) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Мусулмонлар қазфнинг ҳаромлигига ижмоъ қилганлар ва уни гуноҳи кабиралардан санаганлар.

Аллоҳ таоло пок инсонни бадном қилувчига қаттиқ жазони вожиб қилди. Агар ихтиёри ўзида бўлган мукаллаф киши бир муҳсонни (яъни бузукликдан беҳабар покиза инсонни) зино ёки ливота билан бадном қилса, унга саксон дарра урилади. Чунки, Аллоҳ таоло: «Покиза аёлларни (зинокор) деб бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсалар(ни) уларни саксон дарра уринглар», деди (Нур: 4). Ояти карима маъносига кўра, озод, покиза ва бузукликдан беҳабар аёлларни зинокорлик билан бадном қилган, сўнг ўзларининг бу даъволарига тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон дарра урилади. Бадном қилинган кишининг эркак ё аёл бўлишининг фарқи йўқ. Бу ўринда сўзни аёлларга хосланиши сабаби воқеа хусусиятига қараб эди. Қолаверса, аёлларни бадном қилиш энг қабих ва кўп учрайдиган ҳолатдир.

Фақат мусулмонларнинг номус-обрўларини булғанишдан сақлаб қолиш ва тилларни покиза инсонларнинг номусларини булғайдиган ифлос сўзлардан тийиб қўйиш, мусулмон жамиятини фаҳш тарқалишидан асраб қолиш учунгина бадномчи ана шундай жазога лойиқ бўлди.

Унинг бадном қилиниши сабабли бадномчига жазо фарз бўладиган муҳсон — озод, мусулмон, оқил, покиза, жимоъга яроқли инсондир.

Ибн Рушд раҳимахуллоҳ айтади: «Аммо бадном қилинган шахсга келсак, унда бешта сифат жамланиши шарт эканига иттифоқ қилганлар. У шартлар — болиғлик, озодлик, покизалик, мусулмонлик, зино олатига эга бўлишдир. Агар мазкур шартлардан биронтаси топилмаса, ҳад фарз бўлмайди» (Бидаятул-мужтаҳид: 2/539).

Бадном қилинишнинг ҳадди бадном қилинган кишининг ҳаққидир, у афв

қилса соқит бўлади, фақат унинг талаби билан ижро қилинади. Агар бадном қилинган шахс бадном қилувчини афв қилса, ундан ҳад соқит бўлади. Лекин, уни бу каби лаънат ва аламли азоб хабари берилган, шариатда ҳаром қилинган бадномчиликка яна қайта тушишдан тийиб қўядиган даражада таъзирини берилади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Бадном қилувчига ҳадни фақат талаб билан ижро қилинади, бунга ижмоъ қилинган» (Ал-фатавал-кубро: 5/507).

Ким бир ғойиб одамни бадном қилса, то ўша одам келиб, талаб қилмагунича ёки унинг ғойибда туриб талаб қилгани исботланмагунича унга ҳад урилмайди.

Бадном қилиш лафзлари икки қисмга бўлинади:

Бадномдан бошқа нарсага эҳтимоли бўлмаган сарих (очик-ошкор) лафзлар. Уларни шундан бошқа нарсага йўйиб бўлмайди.

Бадномни ҳам, бошқа нарсани ҳам эҳтимоли бўлган киноя лафзлари. Агар уларни бадномдан бошқага йўйса, буни қабул қилинади.

Сарих лафзларга мисол, «эй зинокор!», «эй ливотагар!», «эй бузук!» каби сўзлардир. Киноя лафзларга мисол, «эй ғар!», «эй фожира!», «эй нопок!» каби сўзлардир.

Агар бадном қилувчи шахс ғар дейиш билан у одамнинг фикс-фужур ишларни қилиб юришини кўзда тутганини, фожира дейиш билан у аёлнинг ўз эрига нисбатан зиммасига фарз бўлган итоатга хилоф қилишини кўзда тутганини, нопок дейиш билан табиати нопоклигини кўзда тутганини айтса, унинг бу изоҳи қабул қилинади ва унга ҳад фарз бўлмайди. Чунки, унинг оғзидан чиққан лафз эҳтимолли лафз эди, шубҳали ҳолларда ҳадлар тарк қилинади.

Агар бир киши уларнинг зино қилишлари тасаввур қилинмайдиган бир жамоатни бадном қилса ёки бир шахар аҳлини бадном қилса, унга ҳад урилмайди, балки бу иши учун таъзир берилади. Чунки, ёлғончилиги аниқ бўлиб турибди, унинг бу гапи билан уларга ор-шармандалиқ етмайди. Унга фақат яна қайтиб бу каби қабих лафзларни ва хунук сўкишларни тилга олишдан тийилиши учунгина таъзир берилади. Зеро, унинг қилган иши – гарчи ўша жамоа ёки шахар аҳлидан бирон киши талаб қилмаса ҳам – адаб бериш фарз бўлган маъсиятдир.

Кимда-ким пайғамбарлардан бирорталарини бадном қилса, кофир бўлади. Чунки, бундай қилиш Исломдан қайтиш-муртадликдир.

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларини бадном қилиш у зотнинг ўзларини бадном қилиш билан тенгдир. Яъни, бадномчининг муртад бўлиши ҳақидаги ҳукмда у зотни бадном қилиш билан тенгдир» (Мажмуъул-фатава: 32/119).

Шайхулислам бадном қилувчи шахс агар бадном қилинган киши бундан хабар топишидан олдин тавба қилса, тавбаси дуруст бўладими, деган савол жавобида айтади: «Бу одамларнинг фарқланишига қараб фарқланади. Аксарият уламолар сўзларига кўра, агар бадном қилинган шахс бундан хабар топган бўлса, унинг тавбаси дуруст бўлмайди. Хабар топмаган бўлса, тавбаси дуруст бўлади, унинг ҳаққига дуо қилади ва истиғфор айтади» (Ал-фатавал-кубро: 5/507).

Шундан ҳам тилнинг хатари ва ундан чиқаётган лафзлар сабабли маломат ва жазога гирифтор бўлиш мумкинлиги маълум бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ахир одамларни юзлари билан дўзахга итқитадиган нарса тилларининг ҳосилалари эмасми?!», деганлар (Термизий (2616), Ибн Можа (3973) Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхудан ривоят қилганлар). Аллоҳ таоло айтади: «У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозир у нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)» (Қоф: 18). Шундай экан, инсон тилини сақлаши, оғзидан чиқаётган сўзларни тарозига солиши ва гап-сўзларини тўғрилаб олиши зарур бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар!» (Аҳзоб: 70).

Маст қилувчи (ичимлик) истеъмол қилиш жазоси ҳақидаги боб

Маст қилувчи ичимлик Қуръон, Суннат ва ижмоъ билан ҳаром қилингандир. Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!» (Моида: 90, 91). Ақлни чулғаган ҳар бир нарса – қандай модда бўлишидан қатъий назар – хамр (маст қилувчи) саналади.

«Саҳиҳайн»да ва бошқа ҳадис тўпламларида келганки: «Маст қилувчи бўлган ҳар бир ичимлик ҳаромдир» (Бухорий (242), Муслим (2001) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар), «Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир, ҳар бир хамр ҳаромдир» (Муслим (2003) Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган). Кўпи маст қилган ҳар бир ичимликнинг ози ҳам ҳаромдир, нимадан қилинган бўлса ҳам, узумданми, бошқа нарсаданми, фарқсиз, хамрдир.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Хамр – ақлни чулғаган нарсадир», деганлар (Бухорий (5581), Муслим (3032) ривоят қилганлар). Ақлни ўраб-чулғаб оладиган ҳар бир нарсани хамр дейилади, бундай аталишига сабаб хамр – ўраш-чулғаш маъносини англатади. Жумҳур луғатшунослар сўзи шудир.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Наша саҳиҳ сўзга кўра нажас ва ҳаромдир, маст қиладими, қилмайдими, фарқсиз. Аммо, унинг маст қиладиганининг ҳаромлигига мусулмонларнинг ҳаммаси иттифок қилган. Айрим жиҳатлардан унинг зарари хамрнинг зараридан каттароқдир... Уни истеъмол қилиш олтинчи юз йилликнинг охирларида пайдо бўлди» (Ал-фатавал-кубро: 5/529).

Наша ва бошқа бангивор (наркотик) моддалар бугунги кунда мусулмон ёшларни ҳалокат қилаётган энг ёмон оғулардан бўлиб қолди. Улар душманларнинг бизга қарши қўллайдиган энг қаттол қуролига айланди. Ерда бузғунчилик қилувчи яҳудлар ва уларнинг малайлари мусулмонларни ҳалок қилиш, ёшларини бузиш, уларни ўз жамиятлари манфаати учун ишлашдан ва динлари йўлида жиҳод қилишдан, тажовузкор душманларнинг уларнинг

халқлари ва диёрларига қилаётган тажовузларини даф қилишдан тўсиш ва буриб юбориш мақсадида зўр бериб ривожлантирмоқдалар. Охир-оқибат анча-мунча мусулмон ёшлари банги (наркоман)га айланишга улгурдилар. Бу эса ушбу бангивор ва маст қилувчи моддаларни мусулмон мамлакатларига ёйиш ва ривожлантиришнинг аччиқ самарасидир.

Хамр ҳар қандай ҳолда ҳам ҳаромдир, уни на лаззат учун, на даво мақсадида, на ташналикни қондириш учун, на бошқа учун истеъмол қилиш жоиз.

Хамр билан даволаниш ҳаромлигига далил шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У даво эмас, балки дарддир», деганлар (Муслим (1984) Ториқ ибн Сувайд ал-Жуъфий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган). Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Аллоҳ таоло шифоларингизни сизларга ҳаром бўлган нарсаларда қилмади», деганлар (Бухорий №5614 ҳадисдан олдин таълиқ қилиб келтирган).

Ташналикни қондириш учун ичиш ҳаромлигига келсак, у билан қониш ҳосил бўлмайди, аксинча унда ташналикни яна-да зиёда қиладиган ҳарорат бўлади.

Агар мусулмон киши хамр ичса ё таркибида маст қилувчи спирт бўлган атир (одеколон) каби нарсани ичса, буни ихтиёрий равишда, кўп миқдори маст қилишини билган ҳолда ичса, унга ҳад урилиши фарз бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким хамр ичса, унга дарра уринглар», деганлар (Абу Довуд (4485) Қабиса ибн Зуайбдан мурсал йўл билан, Насоий (5661) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Хамр ичганинг ҳадди (жазоси) миқдори саксон даррадир. Чунки, Умар розияллоҳу анҳу хамрнинг ҳадди хусусида одамларга маслаҳат солганларида Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу: «Уни ҳадларнинг энг енгили бўлган саксон дарра қилинг», деб маслаҳат берганлар. Шундан сўнг ҳазрат Умар саксон дарра урдирганлар (Муслим (1706) Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, Бухорийда ҳам шу мазмундаги (6773) ҳадис мавжуд), Шомдаги Холид ва Абу Убайдага шундай деб ёзиб юборганлар (Дорақутний (3/157) ривояти). Бу ҳодиса муҳожир ва ансорлар гувоҳлигида бўлган ва улардан бирон киши буни инкор қилмаган.

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Умарнинг ўз раъйлари билан хамр ҳадини қазф ҳаддига тенглаштирганлари ҳам шу қатордир, бунга

сахобалар иқроор (рози) бўлганлар» (Иъламул-муваққиъийн: 1/210).

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Майхўрликнинг ҳадди суннат ва мусулмонлар ижмоъи билан қирқ (дарра)лиги собитдир. Ундан зиёдасини имом (раҳбар) зарурат пайтида, агар одамлар хамрга ружуъ қўйган бўлсалар ва шундан бошқа йўл билан қайтаришни иложи бўлмаса зиёда қилади» (Мажмуъул-фатава: 28/336).

Яна айтади: «Саҳиҳ гапга кўра, қирқтадан саксонтага зиёда қилиш мутлақ ҳолатда фарз эмас, мутлақ ҳолатда ҳаром ҳам эмас. Балки, бунда имомнинг ижтиҳодига қаралади...» (Мажмуъул-фатава: 28/336).

Хамр ичишнинг ҳадди ичувчининг иқроори билан ёки иккита адл кишининг гувоҳлиги билан собит бўлади.

Уламолар хамрнинг ҳиди келиб турган одамга хамр ичишнинг ҳадди собит бўладими, деган масалада икки хил фикрга бўлинганлар. Баъзилари ҳад урилмайди, балки таъзир берилади, деганлар. Баъзилари эса агар шубҳани даъво қилмаса, унга ҳад урилади, деганлар. Бу Аҳмад ва Моликдан ривоят қилинган сўздир. Шайхулислам Ибн Таймия ҳам шу фикрни ихтиёр қилган.

Имом Ибнул қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Қимнинг ҳолатида хамрнинг ҳиди ёки хамр қусиш каби жиноятнинг шохидлари кўриниб турса, ичганига гувоҳлик берилган ёки ўзи иқроор бўлган – бу гувоҳлик ё иқроор рост бўлиши ҳам, ёлғон бўлиши ҳам эҳтимоли бўлган – кишидан кўра у жазога лойиқроқдир. Саҳобалар ўртасида шунга иттифоқ қилинган» (Иъламул-муваққиъийн: 2/119).

Яна айтади: «Умар ва Ибн Масъуд розияллоху анхумо оғзидан хамр ҳиди келиб турган ёки хамр қусган кишига зоҳирда кўриниб турган аломатларга суяниб, ҳад урилиши вожиблигига ҳукм қилганлар ва бунда уларга бирон кишининг муҳолиф бўлгани маълум бўлмаган» (Умар ҳақидаги асарни Ибн Аби Шайба (5/525, №28635), Ибн Масъуд ҳақидаги асарни Бухорий (5001) ва Муслим (801) келтирганлар).

Хамрнинг хатари жуда кучлидир. У шайтоннинг мусулмонларга зарар етказиш учун минадиган уловидир. Аллоҳ таоло айтади: «Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!» (Моида: 91).

Хамр барча нопокликларнинг онасидир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва

саллам ҳамр ҳақида ўн кишини лаънатлаб, айтганлар: «Аллоҳ таоло маст қилувчи ичимликни ҳамда ичувчисини, қуйиб берувчисини, сотувчисини, сотиб олувчисини, тайёрловчисини, тайёрлатувчисини, олиб бориб берувчисини, унга олиб борилган одамни лаънатласин» (Абу Довуд (3674), Ибн Можа (3380) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар), Ибн Можа ривоятида: «ва пулини еювчисини», дейилган.

Мусулмонлар қаттиққўллик ва жиддийлик билан унга қарши туришлари, унинг моддасини таг-тугидан қуритишлари, уни истеъмол қиладиган ёки ривожлантирадиган кимсаларга тийиб қўювчи қаттиқ жазо қўллашлари лозим бўлади. Чунки, у ҳар бир ёмонликка сабаб бўлади, ҳар бир разолатга судрайди, ҳар қандай яхшиликдан тўсади. Аллоҳ таоло мусулмонларни унинг ёмонлиги ва хатаридан кифоялантирсин.

Ҳадисда келганки: «Охир замонда бир қавм уни ҳалол санаб оладилар, уни ўз номидан бошқа ном билан номлайдилар ва ичадилар» (Абу Довуд (3688), Ибн Можа 94020) Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Мусулмонлар ана шундай ёмонлардан огоҳ ва ҳушёр бўлишлари зарурдир.

Ўғирликнинг жазоси ҳақидаги боб

Аллоҳ таоло айтади: «Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Аллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар!» (Моида: 38).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Чорак динор ва ундан ортиқ (ўғирлик)да қўл кесилади» (Бухорий (6789), Муслим (1684) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар).

Умуман ўғрининг қўлини кесиш вожиблигига мусулмонлар ижмоъ қилганлар.

Ўғри жамиятдаги фосид (фасодли) унсурдир, агар тек қўйилса, фасоди уммат жисмига юқади. Бинобарин, муносиб жазони татбиқ қилиш билан уни тийиб қўйиш зарур. Шунинг учун Аллоҳ таоло унинг қўлини – чўзилиши жоиз бўлмаган нарсага чўзилган золим қўлни, бузғунчи бўлган ва бунёдкор бўлмаган, оладиган ва бермайдиган бу қўлни – кесишга ҳукм қилди.

Ўғирлик – молни эгасидан ёки унинг ноибидан яширинча йўл билан олишдир. Агар олувчи Ислом ҳукмларини лозим тутган, олинган мол

(ўғирлик) нисобига етган бўлса, у молни эҳтиёт қилиб сақланган жойидан олган бўлса, олинган молнинг эгаси маъсум (яъни моли ва жонига дахл қилиниши мумкин бўлмаган) бўлса, олувчи учун унга нисбатан бирон шубҳа бўлмаса (шунда буни ўғирлик, деб саналади).

Ўғри, молини ўғирлатган шахс, ўғирланган мол, ўғирлик кайфияти ушбу таъриф ўз ичига олган аниқ сифатларни ўзида жамлаган бўлиши зарур. Агар шу сифатлардан биронтаси тўла топилмаса, қўлни кесилмайди. У сифатлар куйидагилар:

Яширинча йўл билан олган бўлиш. Агар яширинча йўл билан олган бўлмаса, қўл кесилмайди. Яъни, масалан, молни зўрлик билан, одамлар кўзида олса ёки талончилик билан олса. Чунки, бу ҳолатда молнинг эгаси ёрдамга чақириши, қароқчи ва талончининг қўлидан ушлаши имкони бўлади.

Имом Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Талончи ва тортиб олувчининг қўли кесилмагани ҳолда ўғрининг қўли кесилишига сабаб, ундан сақланиш имкони йўқлигидир. Чунки, у уй-жойларни тешиб киради, ҳимоя воситаларини бузади, қулфни синдиради. Агар унинг қўли кесилиши машруъ бўлмаса, одамлар бир-бирларининг молларини ўғирлайверишар, зарар катгайиб, оғирлик кучайган бўларди» (Иъламул-муваққиъийн: 2/61-63, Ат-туруқул-ҳикамия: 74-б).

Вазир ибн Хубайра айтади: «Талончи, зўрлик билан тортиб олувчи, хоин – жиноятлари ва гуноҳлари улкан бўлишига қарамасдан – улардан бирортасининг қўли кесилмайди» (Ихтилафул-аимматил-улама: 2/285).

Уларнинг тажовузларини дарралаш, азоб бериш, узоқ вақт қамаш, оғир молиявий жазо бериш билан даф қилиш мумкин.

Ўғирликда қўл кесишни вожиб қиладиган сифатлардан яна бири – ўғирланган нарса муҳтарам (ҳурмати бор) мол бўлиши керак. Лаҳв (беҳуда ўйин-кулги, мусиқа) асбоби, маст қилувчи ичимлик, тўнғиз, ўлимтик каби ҳурмати йўқ ва мол саналмайдиган нарсалар, шунингдек мол бўлгани ҳолда эгаси уруш ҳолатидаги кофир бўлгани учун ҳурмати бўлмаган нарсаларда қўл кесилмайди. Чунки, уруш ҳолатидаги кофирнинг қони ва моли ҳалол бўлади.

Мазкур сифатлардан яна бири – ўғирланган мол нисоб, яъни уч исломий дирҳам ёки чорак исломий динор ёки нархи шу иккисига тенг бўлган бошқа

пул миқдорида бўлиши. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўғрининг қўли фақат чорак динор ва ундан ортиқ (ўғирлик)да кесилади», деганлар (Бухорий (6790), Муслим (1684) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар). Ўша даврда чорак динор уч дирҳамга тенг бўлган.

Қўл кесишни ушбу миқдорга хослашда зоҳир бир ҳикмат бордир. Яъни, ушбу миқдордаги пул-мол кўпинча иқтисодли одам учун унинг ўзига ва қарамоғидагиларга бир кунга етарли бўлади. Қаранг, унга қарши жиноят қилинса, дияси 500 динор қилиб белгиланган қўлни чорак динор ўғирлик учун кесилади! Чунки, у қўл омонатли бўлиб турганида қимматбаҳо, деб кўриларди, хиёнаткор бўлгач, қимматини йўқотди. Шунинг учун мулҳидлардан бири – Мааррий - : «Э воҳ, дияси 500 тилла қилиб белгиланган қўлни чорак динор учун кессалар?!» деган мазмунда шеър ёзганида унга уламолардан бири: «Омонатдорлик азизлиги унинг қийматини оширган эди, хиёнаткорлик хорлиги унинг қийматини тушириб юборди» деган мазмундаги шеър билан жавоб берганди.

Ўғирликда қўл кесилишини вожиб қиладиган сифатлардан яна бири – ўғирланган молни ҳирзидан (маҳкам сақлаб қўйилган жойидан) олган бўлишидир. Молнинг ҳирзи деб одатда уни сақланадиган жойга айтилади. Ҳирз молнинг турига, яшаб турган мамлакатларга, султоннинг адолатли ё зулмкорлигига, қудратли ё кучсизлигига қараб фарқли бўлади. Қимматбаҳо молларнинг ҳирзи уй-жойлар, дўконлар, мустаҳкам қулф-калитли бинолар ичида бўлади. Ундан бошқа нарсаларнинг ҳирзи ўша диёрдаги одатга қараб бўлади. Агар ҳирздан бошқа жойдан ўғирласа, яъни масалан, очик қолдирилган эшикдан кириб олган бўлса, қўл кесилмайди.

Ўғрида ўғирлаб олган нарсаси борасида шубҳа йўқ бўлиши керак. Агар уни олишига изн беради деб гумон қилинган бирон шубҳа бўлса, қўли кесилмайди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шубҳалар бўлганида имконингиз борича ҳадлар (ижроси)ни бекор қилингиз», деганлар (Шу мазмунда Термизий Оиша розияллоҳу анҳодан (1424) ва Ибн Можа Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан (2545) ривоят қилганлар). Бинобарин, отасининг молидан ё фарзандининг молидан ўғирлаб олган кишининг қўли кесилмайди. Чунки, улардан ҳар бирининг нафақаси иккинчисининг зиммасига фарз бўлади. Бу эса жазо ижросини бекор қиладиган шубҳадир. Шунингдек, бир молга ҳақдорлиги бўлган киши ундан

олса, унинг қўли кесилмайди, лекин унинг бундай қилиши ҳаром бўлиб, унга адаб берилади ва олган нарсасини қайтариб олинади.

Юқоридаги сифатлар тўла-тўқис бўлиши билан бирга ўғирлик собит (исботланган) бўлиши ҳам зарур. Бу эса ўғирлик қандай содир қилинганини, ўғирланган молнинг ҳирзини, миқдорини ва жинсини айтиб берадиган ва шу билан эҳтимоллар ва шубҳаларни бартараф қиладиган иккита адолатли кишининг гувоҳлиги билан ёки ўғрининг ўзи ўғирлик қилганига икки бор гувоҳлик бериши билан бўлади. Чунки, Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда айтилишича, ўғирлик қилганини эътироф қилган бир ўғрини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб келинди. У зот унга: «Сен ўғирлагансан деб ўйламайман», дедилар. У: «Йўқ, (мен ўғирладим)», деди. Икки ё уч марта қайтариб сўрадилар. Сўнг буюрдилар, қўлини кесилди (Абу Довуд (4380), Ибн Можа (2597) Абу Умайя ал-Махзумий розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Ўғри иқрорида ўғирликни қандай қилганини сифатлаб бериши зарур, токи ноўрин қўл кесилгани гумон қилиниши эҳтимоли кетсин ва қўл кесилиши учун керак бўлган шартлар тўла-тўқис бўлгани ё бўлмагани аниқ бўлсин.

Молини ўғирлатган одам молини талаб қилган бўлиши ҳам зарур. Агар молини талаб қилмаса, қўлини кесилмайди. Чунки, эгасининг изн бериши ва кечиб юбориши билан мол мубоҳга айланиб қолади. Агар талаб қилмаса, ўша молни унга марҳамат қилиб юборгани эҳтимоли пайдо бўлади. Бу эса жазони бекор қиладиган шубҳадир.

Агар шартлари тўла бўлгани туфайли қўлни кесиш фарз бўлса, ўнг қўл кесилади. Чунки, «Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Аллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар!» (Моида: 38) оятидаги **أيديهما** (қўлларини) калимаси Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу қироатида **أيماهما** (ўнг қўлларини) деб ўқилган. Кесиш ўрни кафтнинг бўғимидан бўлади. Чунки, қўл ўғирлик қуроли бўлди, шу туфайли ўғирлик қуролини йўқ қилиш билан жазо берилди ва кесишни кафтга чекланди. Чунки, қўл деб умумий айтилганда кафтни тушунилади. Уни кесилгандан кейин қонни тўхтатиш ва жароҳатни битказиш учун керак бўлган ҳар бир даврнинг ўзига хос барча зарурий даволарини қилинади. Валлоҳу аълам.

Қароқчиларнинг жазоси ҳақидаги боб

Аллоҳ таоло айтади: «Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Аллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар!» (Моида: 38).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Чорак динор ва ундан ортиқ (ўғирлик)да қўл кесилади» (Бухорий (6789), Муслим (1684) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар).

Умуман ўғрининг қўлини кесиш вожиблигига мусулмонлар ижмоъ қилганлар.

Ўғри жамиятдаги фосид (фасодли) унсурдир, агар тек қўйилса, фасоди уммат жисмига юқади. Бинобарин, муносиб жазони татбиқ қилиш билан уни тийиб қўйиш зарур. Шунинг учун Аллоҳ таоло унинг қўлини – чўзилиши жоиз бўлмаган нарсага чўзилган золим қўлни, бузғунчи бўлган ва бунёдкор бўлмаган, оладиган ва бермайдиган бу қўлни – кесишга ҳукм қилди.

Ўғирлик – молни эгасидан ёки унинг ноибидан яширинча йўл билан олишдир. Агар олувчи Ислом ҳукмларини лозим тутган, олинган мол (ўғирлик) нисобига етган бўлса, у молни эҳтиёт қилиб сақланган жойидан олган бўлса, олинган молнинг эгаси маъсум (яъни моли ва жонига дахл қилиниши мумкин бўлмаган) бўлса, олувчи учун унга нисбатан бирон шубҳа бўлмаса (шунда буни ўғирлик, деб саналади).

Ўғри, молини ўғирлатган шахс, ўғирланган мол, ўғирлик кайфияти ушбу таъриф ўз ичига олган аниқ сифатларни ўзида жамлаган бўлиши зарур. Агар шу сифатлардан биронтаси тўла топилмаса, қўлни кесилмайди. У сифатлар қуйидагилар:

Яширинча йўл билан олган бўлиш. Агар яширинча йўл билан олган бўлмаса, қўл кесилмайди. Яъни, масалан, молни зўрлик билан, одамлар кўзида олса ёки талончилик билан олса. Чунки, бу ҳолатда молнинг эгаси ёрдамга чақириши, қароқчи ва талончининг қўлидан ушлаши имкони бўлади.

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Талончи ва тортиб олувчининг қўли кесилмагани ҳолда ўғрининг қўли кесилишига сабаб, ундан сақланиш имкони йўқлигидир. Чунки, у уй-жойларни тешиб киради, ҳимоя воситаларини бузади, кулфни синдиради. Агар унинг қўли кесилиши машруъ бўлмаса, одамлар бир-бирларининг молларини ўғирлайверишар,

зарар катгайиб, оғирлик кучайган бўларди» (Иъламул-муваққиъийн: 2/61-63, Ат-турукул-ҳикамия: 74-б).

Вазир ибн Хубайра айтади: «Талончи, зўрлик билан тортиб олувчи, хоин – жиноятлари ва гуноҳлари улкан бўлишига қарамасдан – улардан бирортасининг қўли кесилмайди» (Ихтилафул-аимматил-улама: 2/285).

Уларнинг тажовузларини дарралаш, азоб бериш, узоқ вақт камаш, оғир молиявий жазо бериш билан даф қилиш мумкин.

Ўғирликда қўл кесишни вожиб қиладиган сифатлардан яна бири – ўғирланган нарса муҳтарам (хурмати бор) мол бўлиши керак. Лахв (беҳуда ўйин-кулги, мусиқа) асбоби, маст қилувчи ичимлик, тўнғиз, ўлимтик каби хурмати йўқ ва мол саналмайдиган нарсалар, шунингдек мол бўлгани ҳолда эгаси уруш ҳолатидаги кофир бўлгани учун хурмати бўлмаган нарсаларда қўл кесилмайди. Чунки, уруш ҳолатидаги кофирнинг қони ва моли ҳалол бўлади.

Мазкур сифатлардан яна бири – ўғирланган мол нисоб, яъни уч исломий дирҳам ёки чорак исломий динор ёки нархи шу иккисига тенг бўлган бошқа пул миқдорида бўлиши. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўғрининг қўли фақат чорак динор ва ундан ортиқ (ўғирлик)да кесилади», деганлар (Бухорий (6790), Муслим (1684) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар). Ўша даврда чорак динор уч дирҳамга тенг бўлган.

Қўл кесишни ушбу миқдорга хослашда зоҳир бир ҳикмат бордир. Яъни, ушбу миқдордаги пул-мол кўпинча иқтисодли одам учун унинг ўзига ва қарамоғидагиларга бир кунга етарли бўлади. Қаранг, унга қарши жиноят қилинса, дияси 500 динор қилиб белгиланган қўлни чорак динор ўғирлик учун кесилади! Чунки, у қўл омонатли бўлиб турганида қимматбаҳо, деб кўриларди, хиёнаткор бўлгач, қимматини йўқотди. Шунинг учун мулҳидлардан бири – Мааррий - : «Э воҳ, дияси 500 тилла қилиб белгиланган қўлни чорак динор учун кессалар?!» деган мазмунда шеър ёзганида унга уламолардан бири: «Омонатдорлик азизлиги унинг қийматини оширган эди, хиёнаткорлик хорлиги унинг қийматини тушириб юборди» деган мазмундаги шеър билан жавоб берганди.

Ўғирликда қўл кесилишини вожиб қиладиган сифатлардан яна бири – ўғирланган молни ҳирзидан (маҳкам сақлаб қўйилган жойидан) олган бўлишидир. Молнинг ҳирзи деб одатда уни сақланадиган жойга айтилади.

Ҳирз молнинг турига, яшаб турган мамлакатларга, султоннинг адолатли ё зулмкорлигига, қудратли ё кучсизлигига қараб фарқли бўлади. Қимматбаҳо молларнинг ҳирзи уй-жойлар, дўконлар, мустаҳкам кулф-калитли бинолар ичида бўлади. Ундан бошқа нарсаларнинг ҳирзи ўша диёрдаги одатга қараб бўлади. Агар ҳирздан бошқа жойдан ўғирласа, яъни масалан, очик қолдирилган эшикдан кириб олган бўлса, қўл кесилмайди.

Ўғрида ўғирлаб олган нарсаси борасида шубҳа йўқ бўлиши керак. Агар уни олишига изн беради деб гумон қилинган бирон шубҳа бўлса, қўли кесилмайди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шубҳалар бўлганида имконингиз борича ҳадлар (ижроси)ни бекор қилингиз», деганлар (Шу мазмунда Термизий Оиша розияллоҳу анҳодан (1424) ва Ибн Можа Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан (2545) ривоят қилганлар). Бинобарин, отасининг молидан ё фарзандининг молидан ўғирлаб олган кишининг қўли кесилмайди. Чунки, улардан ҳар бирининг нафақаси иккинчисининг зиммасига фарз бўлади. Бу эса жазо ижросини бекор қиладиган шубҳадир. Шунингдек, бир молга ҳақдорлиги бўлган киши ундан олса, унинг қўли кесилмайди, лекин унинг бундай қилиши ҳаром бўлиб, унга адаб берилади ва олган нарсасини қайтариб олинади.

Юқоридаги сифатлар тўла-тўқис бўлиши билан бирга ўғирлик собит (исботланган) бўлиши ҳам зарур. Бу эса ўғирлик қандай содир қилинганини, ўғирланган молнинг ҳирзини, миқдорини ва жинсини айтиб берадиган ва шу билан эҳтимоллар ва шубҳаларни бартараф қиладиган иккита адолатли кишининг гувоҳлиги билан ёки ўғрининг ўзи ўғирлик қилганига икки бор гувоҳлик бериши билан бўлади. Чунки, Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда айтилишича, ўғирлик қилганини эътироф қилган бир ўғрини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб келинди. У зот унга: «Сен ўғирлагансан деб ўйламайман», дедилар. У: «Йўқ, (мен ўғирладим)», деди. Икки ё уч марта қайтариб сўрадилар. Сўнг буюрдилар, қўлини кесилди (Абу Довуд (4380), Ибн Можа (2597) Абу Умайя ал-Махзумий розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Ўғри иқрорида ўғирликни қандай қилганини сифатлаб бериши зарур, токи ноўрин қўл кесилгани гумон қилиниши эҳтимоли кетсин ва қўл кесилиши учун керак бўлган шартлар тўла-тўқис бўлгани ё бўлмагани аниқ бўлсин.

Молини ўғирлатган одам молини талаб қилган бўлиши ҳам зарур. Агар

молини талаб қилмаса, қўлини кесилмайди. Чунки, эгасининг изн бериши ва кечиб юбориши билан мол мубоҳга айланиб қолади. Агар талаб қилмаса, ўша молни унга марҳамат қилиб юборгани эҳтимоли пайдо бўлади. Бу эса жазони бекор қиладиган шубҳадир.

Агар шартлари тўла бўлгани туфайли қўлни кесиш фарз бўлса, ўнг қўл кесилади. Чунки, «Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун, Аллоҳ томонидан азоб бўлсин учун қўлларини кесинглар!» (Моида: 38) оятидаги **أيديهما** (қўлларини) калимаси Ибн Масъуд розияллоху анху қироатида **أيمنهما** (ўнг қўлларини) деб ўқилган. Кесиш ўрни кафтнинг бўғимидан бўлади. Чунки, қўл ўғирлик қуроли бўлди, шу туфайли ўғирлик қуралини йўқ қилиш билан жазо берилди ва кесишни кафтга чекланди. Чунки, қўл деб умумий айтилганда кафтни тушунилади. Уни кесилгандан кейин қонни тўхтатиш ва жароҳатни битказиш учун керак бўлган ҳар бир даврнинг ўзига хос барча зарурий даволарини қилинади. Валлоҳу аълам.

Боғийларга (тажовузкорларга) қарши уруш қилиш ҳақидаги боб

Аллоҳ таоло айтади: «(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом) адолат қилинган! Зеро Аллоҳ адолат қилувчиларни суюр. Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Аллоҳдан кўрқинглар — шояд У зот томонидан бўладиган раҳматга эришсангизлар» (Ҳужурот: 9, 10).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ишларингиз бир кишининг қўлида жамланиб турган ҳолида биров сизларга келиб бирлигингизга путур етказишни ёки жамоатингизни бўлиб ташлашни истаса, уни ўлдиришглар!» (Муслим (1852) Арфажа розияллоху анхудан ривоят қилган).

Яна айтганлар: «Кимда-ким ушбу умматнинг жам бўлиб турган ишини бўлиб ташлашни истаса, ким бўлишидан катъий назар, уни қилич билан уринглар!» (Муслим (1852) Арфажа розияллоху анхудан ривоят қилган).

Саҳобалар боғийга қарши жанг қилишга ижмоъ қилганлар.

Боғийликнинг асли маъноси зўравонлик, зулмкорлик ва ҳақдан бурилишдир. Боғийлар зўравон, золим, ҳақдан бурилган ва мусулмонларнинг имомлари (бошлиқлари)га муҳолиф бўлган кишилардир. Чунки, мусулмонлар учун жамоат ва имом бўлиши зарурдир. Аллоҳ таоло айтади: «Барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғланингиз ва бўлинмангиз!» (Оли Имрон: 103). Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!» (Нисо: 59).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сизларни Аллоҳдан тақво қилишга ва гарчи устларингизга бир кул амир бўлса-да, кулоқ солиш ва итоат қилишга васият қиламан» (Абу Довуд (4607), Термизий (2676), Ибн Можа (42) Ирбоз ибн Сория розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Бу заруриятлардан, чунки бунга одамларнинг эҳтиёжи бор, шу билан бирликни сақлаб қолинади, ҳамжиҳатликни ҳимоя қилинади, ҳадлар ижро қилинади, ҳақ-ҳуқуқлар тўла-тўқис қилинади, амри маъруф ва наҳий мункар барпо бўлади...

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Билмоқ керакки, одамларни бошқариш диннинг энг улкан вожибларидан, балки диннинг ҳам, дунёнинг ҳам туриши шу биландир. Зеро, одамлар давомий равишда бир-бирларига эҳтиёжлари тушиб тургани туфайли уларнинг манфаатлари жамоаларнинг бир-бирлари билан жамланишлари воситасидагина амалга ошади. Жамланганда эса албатта бир бошлиқ бўлиши зарур бўлади. Шариат соҳиби бунинг нақадар зарурлигига диққатни қаратиш мақсадида ҳатто кичик ва вақтинчалик жамоатларга ҳам бир бошлиқ бўлишини вожиб қилган» (Мажмуъул-фатава: 28/390).

Яна айтади: «Маълумки, одамларнинг салоҳияти раҳбарлар воситасида амалга ошади. Гарчи, раҳбарлар орасида золим ҳукмдорлар ҳам бўлиб турса-да, бу бутунлай раҳбарсиз туришдан кўра яхшироқдир. Айтилганидек, золим имом билан олтмиш йил туриш имомсиз бир кеча туришдан яхши...» (Минҳажус-сунна: 1/548).

Агар шавкат ва қудрат эгаси бўлган бир қавм иштибоҳли бир таъвил билан имомга қарши чиқса, уни раҳбарликдан бўшатишни ёки унга муҳолиф чиқишни, итоатидан бош тортишни, бирликка путур етказишни истаса, улар

боғийлар ва золимлар саналади, имом улар билан сўзлашувлар олиб бориши, ўзига нисбатан нима айб қўйишаётганини сўраб-суриштириши, агар зулм ўтган бўлса, уни бартараф қилиши, агар шубҳали даъво билан чиққан бўлсалар, шубҳаларига ойдинлик киритиши лозим. Чунки, Аллоҳ таоло: «Уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар!» (Хужурот: 9), деди.

Ислоҳ фақат шу билан бўлади. Агар улар имомга қўяётган айблар у қилиши ҳалол бўлмаган иш бўлса, уни бартараф қилади. Агар ҳалол иш бўлса-ю, улар наздида нодуруст ва ҳаққа хилоф бўлиб кўринаётган бўлса, имом уларга ўз далилини баён қилади. Агар шу билан кифояланиб, ҳаққа қайтсалар ва итоатни лозим тутсалар, уларни бўш қўяди. Агар қайтмасалар, уларга қарши жанг қилиши фарз бўлади, раият имомга мададга келиши лозим бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло: «Бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар!» (Хужурот: 9), деди. То ёмонликлари даф бўлгунича ва фитналар олови ўчгунича уларга қарши жанг қилиш фарз бўлади.

Улар билан жанг қилишда қуйидаги ишлардан сақланади:

Уларга қарши вайронагарчилик келтирувчи бомбалар сингари оммавий қирғин қуролларидан фойдаланиши ҳаром бўлади.

Уларнинг фарзандларини, шунингдек, ортга қайтганларини, жароҳатланганларини ва урушни тарк қилганларини ўлдириши ҳаром бўлади.

Улардан асир олинганлари то фитна тингунича ҳибсда сақланади.

Уларнинг молларини ўлжа қилиб олинмайди. Чунки, бу бошқа мусулмонларнинг моллари каби саналади, уларни ўлжа қилиш жоиз эмас. Уруш тўхтаганидан ва фитна тинчиганидан кейин улардан қай бирининг моли бировга ўтиб кетган бўлса, уни қайтариб олади. Аммо, жанг пайтида талафотга учраган моли тўлаб берилмайди. Ҳар икки тарафдан урушда ўлдирилганлар қонига зомин бўлинмайди.

Зухрий раҳимахуллоҳ айтади: «Фитналар қўзғолган даврда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари ҳали кўпчиликни ташкил қилардилар. Улар бирон кишидан қасос олинмаслигига, Қуръонни таъвил қилгани учун моли олинмаслигига фақат йўқотилган молнинг айни ўзи топилса олиш мумкинлигига иттифоқ қилганлар...» (Ибн Аби Шайба (5/459, №27964), Байҳақий 8/174) ривоят қилганлар).

«Ал-ифсох»да айтади: «Саҳобалар иттифоқиға кўра, адолат аҳли боғийларға етказган талафотларға зомин бўлинмайди, боғийлар етказган талафот ҳам шундай...» («Ҳошиятур-равзил-мурбий» соҳиби ундан нақл қилган: 7/396).

Агар мусулмонлардан бўлган икки тоифа бир-бири билан уруш олиб бораётган бўлса, уларнинг ҳар иккиси ҳам имомнинг тоатида бўлмаса, балки ўрталарида бўлган асабият (таассубчилик) туфайли ёки бошлиқлик талашиб урушаётган бўлсалар, ҳар иккаласи золим саналади, чунки ҳар иккиси бир-бирига боғийлик қилаётган бўлади ва бирининг иккинчисидан афзаллиги бўлмайди. Аммо, улардан бир тоифаси имомнинг буйруғи билан урушаётган бўлса, ўша тоифа ҳақ устида бўлади ва униси боғий бўлади.

Агар бир қавм хаворижларнинг фикрини изҳор қилса, яъни масалан, гуноҳи кабира эгаларини кофирга чиқарса, мусулмонларнинг қонини ҳалол санаса, саҳобаларни сўқишни дуруст санаса, у қавм боғий ва фосиқ хаворижлардан деб кўрилади. Агар бунинг устига имомга қарши чиқишни ҳам қўшсалар, уларга қарши урушиш фарз бўлади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ хаворижлар ҳақида шундай дейди: «Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, аҳли сунна уларнинг адашган бидъатчи эканликларига ҳамда уларга қарши уруш қилиш саҳиҳ далил-ҳужжатлар билан вожиб эканига иттифоқ қилганлар... Саҳобалар уларга қарши уруш қилишга иттифоқ қилганлар, аҳли сунна уламолари ичида уларга қарши адолатли имомлар билан жанг қилиниши хусусида хилоф йўқдир... Лекин, уларга қарши золим имомлар билан бирга жанг қилинадими? Баъзи уламолардан нақл қилинишича, урушилади. Шунингдек, аҳдни бузган аҳли зиммаларга қарши ҳам урушилади. Бу жумҳурнинг сўзидир. Уларнинг сўзларига кўра, ҳар бир яхши ёки фожир амир билан бирга – агар у олиб бораётган жанг жоиз бўлса – жанг қилинади. Агар у кофирларга, муртадларга, аҳдни бузганларга, хаворижларга қарши шаръий суратда жанг олиб бораётган бўлса, у билан бирга жангга кирилади. Агар ножоиз бўлган жангни олиб борса, у билан жангга кирилмайди» (Минҳажус-сунна: 6/116).

Агар хаворижларнинг фикрини изҳор қилган у кишилар имомнинг итоати остидан чиқишни изҳор қилмасалар, уларга қарши урушилмайди ва уларга нисбатан мусулмонлик ҳукми жорий бўлади. Лекин, уларга таъзир бериш ва ишларини инкор қилиш, ўз фикрларини мусулмонлар орасида изҳор қилишга ва бидъатларини ёйишга имкон берилмаслик лозим бўлади.

Бу уларни кофир саналмаслик фикридагилар сўзига кўрадир. Жумхур шу фикрни билдирган. Аммо, хаворижларни кофир сановчилар фикрига кўра, уларга қарши ҳар қандай ҳолда ҳам уруш қилиш фарз бўлади.

Муртадликка доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Муртад сўзи луғатда «ортга қайтувчи» маъносини англатади.

Истилоҳда эса мусулмон бўлганидан сўнг ўзи ихтиёрий равишда сўз билан ё эътиқод қилиш билан ё шак билан ё амал билан кофирликка қайтган одамга муртад дейилади.

Дунёда ҳам, охиратда ҳам муртадга хос бўлган ҳукмлар мавжуд.

Унинг дунёдаги ҳукмини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадислари билан баён қилиб қўйганлар: «Ким динини алмаштирса, уни ўлдиришлар» (Бухорий (3017) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган). Уламолар шунга ва қатл қилинишидан олдин аёлини ундан ажратиш, молини тасарруф қилишдан ман қилишга ижмоъ қилганлар.

Охиратдаги ҳукмини Аллоҳ таоло баён қилган: «Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охиратда беҳуда кетур. Улар дўзах эгаларидир ва унда абадий қолажақлар» (Бақара: 217).

Муртадлик Исломни бузувчи ишлардан бир ишни қилиш билан ҳосил бўлади, жиддий бўлсин, ҳазиллашиб қилган бўлсин, масхаралаш бўлсин, фарқсиз. Аллоҳ таоло айтади: «Қасамки, агар улардан (нега сизнинг устингиздан кулганлари ҳақида) сўрасангиз, албатта улар: «Биз фақат баҳслашиб, ҳазиллашиб келяпмиз, холос», дейдилар. Айтинг: «Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми?» Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз» (Тавба: 65, 66).

Аммо, мажбурланган киши мажбурликдан куфр калимасини айтган бўлса, у бу билан муртад бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади: «Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса, (Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлур). Лекин ким қалби иймон билан ором олгани ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, (унинг иймониغا зиён етмас). Аммо кимнинг кўнгли куфр билан (яъни, диндан чиқиб, кофир бўлиш билан) ёзиладиган бўлса, бас, ундай кимсаларга Аллоҳ томонидан ғазаб ва улкан азоб бордир»

(Наҳл: 106).

У сабабли муртадлик ҳосил бўладиган Исломни бузувчи амаллар кўпдир:

Улар ичида энг каттаси Аллоҳга ширк келтиришдир. Ким Аллоҳга ширк келтирса, яъни Аллоҳдан бошқага – азиз-авлиёлар, солиҳлар, ўлганлардан дуо қилиб сўраса, ё уларнинг қабрларига атаб жонлиқ сўйса, ёки назр қилса, ё ўликлардан мадад тиласа, Ислом динидан муртад бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур» (Нисо: 48).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Ким ўзи билан Аллоҳ ўртасида воситалар қилиб, уларга дуо қилса, улардан сўраса ва уларга таваккул қилса, кофир бўлишига иттифоқ қилинган» (Ал-фатавал-кубро: 5/535).

Шунингдек, ким баъзи пайғамбарларни ё баъзи илоҳий китобларни инкор қилса, муртад бўлади. Чунки, у Аллоҳни ёлғончи қилган, Аллоҳнинг пайғамбарини ва Аллоҳнинг китобини инкор қилган бўлади.

Шунингдек, малоикаларни инкор қилган ё ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор қилган киши ҳам кофир бўлади. Чунки, у Қуръон, Суннат ва ижмоъни инкор қилган бўлади.

Шунингдек, Аллоҳ таолони сўккан ё Унинг пайғамбарларидан бирон пайғамбарни сўккан киши ҳам кофир бўлади.

Шунингдек, ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин пайғамбарлик даъво қилса ёки пайғамбарлик даъво қилган кишини тасдиқласа, у ҳам кофир бўлади. Чунки, у Аллоҳ таолонинг: «Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир» (Ахзоб: 40) деган сўзларини ёлғон санаган бўлади.

Ким зинокорлик ҳаромлигини инкор қилса ёки ҳаромлигига иттифоқ қилинган тўнғиз гўшти ва ароқ каби очиқ ҳаром нарсалардан биронтасининг ҳаромлигини инкор қилса, ёки ҳалоллигига иттифоқ қилинган ва ҳалоллиги борасида хилоф бўлмаган нарсани, яъни масалан шаръий йўл билан бўғизланган ҳайвон гўштини ҳаром деса, у ҳам кофир бўлади.

Шунингдек, ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ислом беш (асос) устига қурилган: Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад

Аллоҳнинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни адо этиш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш» (Бухорий (8) ва Муслим (16) Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилганлар), деган ҳадисларида айтилган бешта ибодатдан биронтасининг фарзлигини инкор қилса, у ҳам кофир бўлади.

Ким динни масхара қилса ё Қуръони Каримни таҳқирласа, ё Қуръонда камчилик бор деса, ё Қуръондан бирон нарсани яшириб қолдирилган деса, унинг кофирлигида ҳам хилоф йўқдир.

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Ислом динида билиниши зарур бўлган ва барча мусулмонлар иттифоқ қилган иш шуки, кимда-ким Ислом динидан бошқасига эргашиш ёки Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам олиб келган шариатдан бошқа шариатга эргашиш мумкин деб санаса, кофир бўлади. Унинг куфри Китобнинг баъзисига иймон келтириб, баъзисини инкор қилган кишининг куфридан фарқли бўлмайди» (Ал-фатавал-кубро: 3/534).

Яна айтади: «Ким Аллоҳнинг ваъдаси ёки азоб хабари билан огоҳлантиришини масхара қилса, ёки Исломдан ўзга динни қабул қилган насроний ва бошқаларни кофир санамаса ё уларнинг куфри ҳақида шак қилса ё мазҳабларини тўғри деб билса, ижмоъан кофир бўлади».

Яна айтади: «Ким саҳобаларни ёки улардан бирортасини сўкса, сўкишига кўшимча равишда Алийни илоҳ ё набий деб даъво қилса ва Жибрил хато қилган (ва ваҳийни Алий розияллоху анху ўрнига Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламга келтирган) деса, унинг кофирлигида шак-шубҳа йўқдир» (Ас-соримул-маслул: 3/1108).

Кимда-ким шариати исломия ўрнига инсонлар томонидан чиқарилган қонунлар билан ҳукм қилса, бу қонунларни инсонларга шариати исломиядан кўра яроқлироқ деб кўрса, ёки Ислом ўрнига шуюъий (коммунистик) ёки миллатчилик мафкурасини мақбул санаса, унинг муртадлигида шак-шубҳа йўқдир.

Муртадликнинг турлари кўп. Мисол тариқасида айтсак, ғайб илмини даъво қилган киши, мушрикларни кофир санамаган ё куфрларида шубҳа қилган ё уларнинг йўлини тўғри санаган киши, Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан бошқа бир кимсанинг йўли у зотнинг йўлларида мукамалроқ, бошқанинг ҳукми у зотнинг ҳукмларидан яхшироқ деб билган киши,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарсадан биронтасини ёмон кўрган киши, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг динларидан бирон нарсани мазах қилган киши, шунингдек, мушриклар билан ҳамкорлик қилган ва мусулмонлар зиддига уларга кўмак берган киши, ғулув кетган суфийларга ўхшаб айрим шахслар учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларидан четга чиқиш дуруст деб эътиқод қилган киши, Аллоҳнинг динидан юз ўгириб, уни ўрганмаган ва унга амал қилмаган киши, мана шуларнинг ҳамма-ҳаммаси муртад бўлади.

Шайх Муҳаммад ибн Сулаймон раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ушбу динни бузувчи амалларни жиддийлик билан қиладими, ҳазиллашибми, кўркқаниданми, фарқсиздир. Фақат мажбурланган киши бундан мустасно. Ҳаммаси ғоят хатарли, ғоят кўп дучор бўлинадиган ишлардан. Мусулмон киши улардан ҳазир бўлиши ва уларнинг ўзига нисбатан бўлган хавфидан огоҳ бўлиши лозим. Аллоҳдан Унинг ғазабини келтирадиган ва азобига дучор қиладиган ишлардан паноҳ тилаймиз» (Муаллафот Муҳаммад ибн Сулаймон фил-ақийда: 214-с).

Юқорида айтилганлар Исломни бузувчи ишлардан айрим намуналардир. Аслида, Исломни бузувчи ишлар бундан анча кўпдир. Сиз уларни ўрганишингиз ва таниб олишингиз лозим, шунда улардан ҳазир ва эҳтиёт бўласиз. Зеро, ширкни билмаган киши унга тушиб қолиш хавфидан омон бўлмайди.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади: «Жоҳилиятни билмаган киши Ислом устида улғайса, Исломнинг ҳалқаларини бирма-бир синдириб қўйиши мумкин» (Ибн Таймия «Мажмуъул-фатава»да (10/301) келтирган).

Мен сизга шайхулислом Ибн Таймиянинг «Иқтизоус-сиротил-муस्ताқийм мухолафата асҳабил-жаҳийм» китобини, Муҳаммад ибн Сулаймоннинг «Ал-масаил-аллатий холафа фийҳа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳлал-жаҳилийя» китобини ва унинг аллома Маҳмуд Шукрий томонидан ёзилган шарҳини ўқишни тавсия қиламан.

Исломдан муртад бўлган кишидан тавба қилишини талаб қилиш ва уч кун муҳлат бериш керак бўлади. Агар тавба қилишдан бош тортса, ўлдирилади. Чунки, Умар розияллоҳу анҳуга бир кишининг мусулмон бўлганидан кейин куфрга қайтгани ва тавба қилишни талаб қилмасданок қатл қилингани хабари етгач, у киши: «Уч кун қамаб қўйиб, ҳар куни биттадан кулча бериб, тавба

қилишини талаб қилмабсизлар-да! Балки, тавба қилиб қоларди ё Аллоҳнинг амрига қайтарди. Эй Аллоҳим, мен (бу ишда) ҳозир бўлмадим ва хабари етганидан сўнг рози ҳам бўлмадим», деганлар (Молик «Мувааттоъ»да (2/737, №1414), Ибн Аби Шайба (7/7, 332845) ривоят қилган).

Чунки, муртадлик шубҳа туфайли бўлади ва дарҳол кетиб қолмайди. Шу боис унга фикр қилиб кўришга кифоя қилгудек муҳлат бериш лозим бўлади. Агар тавба қилмаса, ўлдириш фарз бўлади, деган сўзга далил шуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким динини алмаштирса, уни ўлдиришлар», деганлар (Бухорий (3017) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган).

Унинг қатлига имом ўзи ёки унинг ноиби бош-қош бўлади. Чунки, бу Аллоҳнинг ҳаққи учун бўлган қатлдир, шу боис улул-амрнинг ҳаққи бўлади. Муртадни қатл қилиш вожиблигидаги ҳикмат шуки, у ҳақни таниганидан сўнг уни тарк қилди ва ерда муфсидга (бузғунчилик қилувчига) айланди. Бузилган аъзони сақлаб туриш жамиятга зарар келтиради ва динга зиён етказди.

Муртаднинг тавбаси икки шаҳодат калимасини айтиш билан ҳосил бўлади. Чунки, бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзлари умумига киради: «Мен одамлар билан то улар «Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расулидир» деб гувоҳлик бермагунларича ва намозни барпо қилиб, закотни адо этмагунларича жанг қилишга буюрилдим. Агар шу (айтилган ишлар)ни қилсалар, мендан қонлари ва молларини сақлаб қоладилар – Исломнинг ҳаққи бундан мустасно – ва уларнинг ҳисоб-китоблари Аллоҳнинг зиммасидадир» (Бухорий (1399) ва Муслим (22) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Кимнинг муртадлиги динда зарурий саналган ишлардан бирортасини инкор қилиши сабабли бўлган бўлса, унинг тавбаси икки шаҳодат калимаси айтишидан ташқари ўзи инкор қилган ишга иқрор бўлиши билан бўлади.

Муртадни ўз молида тасарруф қилишдан ман қилинади. Зиммасида бўлган қарзларини молидан адо этилади, ўзига ва аҳли-оиласига молидан сарф қилиб турилади. Агар Исломга қайтса, молини қайтариб олади ва уни тасарруф қилиш ҳаққини қўлга киритади. Агар муртадлигида ўлиб кетса ёки қатл қилинса, ўлган заҳоти моли мусулмонларнинг байтулмолига ўлжа сифатида олинади. Чунки, унинг вориси бўлмайди. Мусулмонлардан бирон

киши унга меросхўр бўлмайди, чунки, мусулмон кофирдан мерос олмайди. Кофирлардан бирон киши ҳам, гарчи ўзи ихтиёр қилган дин аҳлидан бўлса ҳам, унга меросхўр бўлмайди, чунки, унинг муртадлигига икром бўлинмайди. Муртад кофирдан ҳам, мусулмондан ҳам мерос олмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мусулмон кофирдан, кофир мусулмондан мерос олмайди» (Бухорий (6764) ва Муслим (1614) Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Уламолар Аллоҳ таолони сўккан ё Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини сўккан кишининг тавбаси мақбул бўлиш-бўлмаслиги ҳукмида ихтилоф қилганлар.

Баъзи уламолар дунёдаги ҳукмларда, яъни қатлини қолдирилиш, меросхўр бўлиш ва мерос қолдиришга доир аҳкомларда тавбаси мақбул бўлмайди, балки ҳар қандай ҳолда ҳам қатл қилинади, чунки унинг гуноҳи улкан, ақидаси бузук, Аллоҳ таолони ҳақоратлади, деганлар.

Иккинчи қавлга кўра, унинг тавбаси мақбул саналади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), кофир бўлган кимсаларга айтилганки, агар (кофирликларидан) тўхтасалар, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур» (Анфол: 38).

Уламолар шунингдек, муртадлиги такрорланган кимсанинг тавбаси мақбул бўлиши ҳақида ҳам ихтилоф қилганлар.

Бир қавлга кўра, дунёда тавбаси мақбул бўлмайди ва гарчи тавба қилса ҳам, муртадлик ҳукмини ижро этиш лозим бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «Албатта иймон келтириб, сўнг куфрга қайтган, кейин яна иймонга келиб, сўнгра яна кофир бўлган, кейин эса куфрлари янада зиёда бўлган кимсаларни Аллоҳ ҳаргиз мағфират қилмайди ва уларни зинҳор ҳақ йўлга ҳидоят қилмайди» (Нисо: 137).

Иккинчи қавлга кўра, унинг тавбаси мақбул бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), кофир бўлган кимсаларга айтилганки, агар (кофирликларидан) тўхтасалар, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур» (Анфол: 38). Ушбу оят умумийдир, у муртадлиги такрорланган кишиларга ҳам умумий бўлади.

Зиндикнинг – яъни, ичида куфрни яшириб, мусулмонлик изҳор қилувчи мунофиқнинг тавбаси мақбул бўлиши ҳақида ҳам ихтилоф қилганлар.

Бир қавлга кўра, тавбаси мақбул бўлмайди. Чунки, унинг Исломга

қайтганини кўрсатадиган аниқ белги йўқ, Аллоҳ таоло айтган: «Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очик айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан» (Бақара: 160). Агар тавба изҳор қилса ҳам, аввалги ҳолидан, яъни Исломни изҳор қилиб, ичида куфрни яширишдан зиёда бўлмайди.

Иккинчи қавлга кўра, зиндикнинг тавбаси мақбул бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мадаккор топа олмайсиз! Магар тавба қилиб ўзларини ўнглаган ва Аллоҳга боғланиб, динларини Аллоҳ учун холис қилган зотлар — ана ўшаларгина мўминлар билан бирга бўлурлар. Яқинда Аллоҳ мўминларга улуғ ажр ато этажак!» (Нисо: 145, 146). Қолаверса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мунофиқлардан Исломни изҳор қилганлари учун тийилганлар.

Ҳулулийлар, ибохийлар, ўз дохийларини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан афзал сановчилар, шунингдек, бировга маърифат ҳосил бўлса, ундан амру наҳий соқит бўлади, деб ҳисоблайдиганлар ё бировга маърифат ҳосил бўлса, унга яҳудия ва насрония каби динлар билан динланиши жоиз бўлади, деб санайдиган кимсалар ҳам зиндиклардан ҳисобланади.

Уламолар шунингдек, тамйиз ёшига (7 ёшга) етган боланинг мусулмонлиги дуруст бўлиши ва ундан муртадлик воқеъ бўлиши борасида ҳам ихтилоф қилганлар. Уларга кўра, агар бола муртадлик сабабларидан бирон нарсани қилса, ундан муртадлик ҳосил бўлади. Чунки, мусулмонлиги дуруст саналган кишининг муртадлиги ҳам яроқли ҳисобланади. Тамйиз ёшига етган боланинг мусулмонлиги яроқли саналади, демак, муртадлиги ҳам яроқли саналади. Лекин, уни то балоғатга еганидан сўнг тавба қилиши талаб қилинмагунича ва уч кун муҳлат берилмагунича қатл қилинмайди. Тавба қилса, тавбаси мақбул бўлади, муртадлигида қолса, қатл қилинади.

Уламолар намознинг фарзлигига иқроп бўлгани ҳолда бепарволик билан ўқимай юрган киши ҳақида ҳам ихтилоф қилганлар. Саҳиҳ гап шуки, ундай одам кофир бўлади. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта киши билан куфр ва ширкнинг ўртасида намозни тарк қилиш туради», деганлар (Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган), «Биз билан улар (кофирлар) ўртасини ажратиб турувчи аҳд-паймон намоздир. Ким намозни тарк қилса, шубҳасиз кофир бўлибди», деганлар

(Термизий Бурайда розияллоху анхудан ривоят қилган). Аллоҳ таоло айтади: «(Улар дўзах аҳлига): «Сизларни нима Сақарга киритди?» (деганларида,) улар айтурлар: «Бизлар намоз ўқувчилардан бўлмадик» (Муддассир: 42, 43), «Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўқис адо этишиб, закотни (ҳақдорларга) ато қилсалар, у ҳолда диний биродарингиздирлар» (Тавба: 11). Ояти карима далолатиға кўра, намозни тўқис адо этмаган киши биз учун диний биродар бўлмайди. Аллоҳ таоло: «Намознинг фарзлигига иқрор бўлсалар», демади, балки: «Намозни тўқис адо этсалар», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ислом беш (асос) устиға қурилган: Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни адо этиш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш», деганлар (Бухорий (8) ва Муслим (16) Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилганлар). «Намознинг фарзлигига иқрор бўлиш» демаганлар, «Намозни барпо қилиш», деганлар.

Кейинги даврларда намозга бепарволик ва уни ўқишга ялқовлик қилиш кучайиб кетди. Бу жуда хатарли ишдир. Намозга бепарволик қилаётган кишилар Аллоҳга тавба қилишлари ва ўзларини дўзахдан қутқариб қолишлари лозим бўлади. Чунки, намоз Исломнинг устунидир, у фахшу мункар ишлардан, гуноҳлардан қайтариб туради.

Қасам ичишга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Қасам ичишдан мурод бу ерда маъсум (қони тўкилиши мумкин бўлмаган, бегуноҳ) одамни ўлдирилгани ҳақидаги даъвода ичиладиган қасамдир.

Бирон шахснинг жасади топилган ва қотили маълум бўлмаган, бунда бирон кишидан гумон қилинганда қасам ичиш машруъ бўлади.

Бунга далил Суннат ва ижмоъдандир.

«Саҳиҳайн»да Саҳл ибн Аби Ҳасмадан ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Саҳл ва Муҳаййиса ибн Масъуд Хайбар томонга чиқдилар, (яхудлар билан сулҳ ҳолати эди). Нахлда иккаласи икки томонга қараб кетдилар. Кейин Муҳаййиса Абдуллоҳнинг ёнига қонига беланган ҳолда келиб, жони узилди. У яҳудлар олдиға бориб: «Уни сизлар ўлдирдингиз», деди. Улар: «Йўқ, биз ўлдирмадик», дейишди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам (мақтулнинг яқинларига): «Сизлар яҳудлардан бирон кишини қотил деб қасам ичсангиз, биродарингизнинг қонига (яъни қасос ё дияга) ҳақли

бўласизлар», дедилар. Бир ривоятда: «Далил-исбот келтира оласизларми?», дедилар. Улар: «Бизда далил йўқ», дейишди. «Унда қасам ичасизларми?», дедилар. «Қандай қасам ичамиз, гувоҳ бўлмаган бўлсак, кўрмаган бўлсак?!», дейишди. «Унда яҳудлардан 50 киши қасам ичиб, сизлардан (яъни сизларни одамингизни ўлдиришдан) покликларини айтишади», дедилар. «Кофир қавмининг қасамларини қандай қабул қиламиз?!», дейишди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга юзта туяни ўзлари дия қилиб бердилар (Бухорий (6142) ва Муслим (1669) ривоятлари).

Бу қасам ичиришнинг машруълигига ва унинг шарият асл-асосларидан мустақил бир асл эканига ҳамда ҳукмлардаги қоидалардан бир қоида эканига, у билан умумий далиллар хосланишига далил бўлади.

Қасам ичиришдаги шартлар:

Шартлар ичида энг муҳими лавс (хиралик, доғ), яъни ўлдирилган шахс билан уни ўлдиришда гумон қилинган шахс ўртасида очиқ адоват бор бўлишидир. Бир-биридан ўч олиш қасдида юрган қабилалар ёки мақтул билан ўрталарида уни шу сабабли ўлдирганлиги ҳақида гумонни ғолиб қилувчи адовати бор бўлган ҳар қандай киши каби. Бундай ҳолларда мақтулнинг валийлари қотилликда гумондор шахсни ҳақиқатда ўлдирганига гумонлари ғолиб бўлса, шу тўғрида қасам ичишлари мумкин бўлади.

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ ихтиёр қилган фикрга кўра: «Лавс фақат адоватга хос бўлмасдан, балки даъвонинг тўғрилигини гумонга ғолиб қиладиган ҳар қандай нарсага тегишли бўлаверади. Бир тўда одамни мақтул ёнидан тарқалиб кетиши ва гувоҳлиги билан қатл собит бўлмайдиган кишининг гувоҳлиги каби...» (Ал-фатавал-кубро: 5/526).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар латх (булғаш) бўлса, очиқ-ойдин сабаб бўлса, адоват бўлса, даъвога тортилган шахс шунга ўхшаш ишни қилиб юрган одам бўлса, қасам ичиришга мурожаат қиламан» (Ибн Таймия «Ал-фатавал-кубро»да (5/526) ундан нақл қилган).

Шайхулислам Ибн Таймия бунга изоҳ тариқасида айтади: «У тўртта ишни зикр қилди: латх – яъни унинг обрў-номуси ҳақида гапириш, рад қилинган гувоҳлик каби; очиқ-ойдин сабаб, мақтул ёнидан тарқалиб кетиш каби; адоват; талаб қилинаётган шахснинг қотиллик билан танилган кишилардан бўлиши. Мана шу гап тўғридир» (Ал-фатавал-кубро: 5/526).

Лекин, ўлдирилган шахснинг валийлари фақатгина гумон ғолиблигига

ишонч ҳосил бўлганидан кейингина қасам ичишлари керак бўлади. Ҳоким уларга насихат қилиши ва ёлгон қасамнинг уқубати ёмон бўлишини тушунтириши лозим бўлади.

Қасамнинг шартларидан яна бири – қотиллик юзасидан даъвога тортилаётган шахс мукаллаф бўлишидир. Ёш бола ва мажнун бу ҳақда даъвога тортилиши жоиз бўлмайди.

Шартларидан яна бири – даъвога тортилаётган шахснинг қотиллик қилишга имконияти бўлишидир. Агар қатл пайтида ҳодиса жойидан узоқда бўлгани сабабли унинг қатлга имконияти бўлмаса, унга қарши даъвони эшитилмайди.

Қасамнинг сифати: Агар қасамнинг шартлари тўла топилса, уни даъвогарлардан бошланади. Фалончи уни ўлдирган, деб элликта қасам ичишади, бу қасам қатл қилинган шахсга ворис бўлишга қараб тақсимланади ва бу даъвога тортилган шахснинг ҳузурида бўлади. Агар ворислар қасам ичишдан бош тортсалар ёки қасамни элликта тўла қилишга кўнмасалар, у ҳолда даъвога тортилаётган шахс – агар унинг қасамини даъвогарлар қабул қилишса – элликта қасам ичади. Қасам ичса, айбдан пок бўлади. Агар даъвогарлар унинг қасам ичишига рози бўлмасалар, имом (раҳбар) мақтулнинг диясини байтул-молдан беради. Чунки, ансорлар яҳудийларнинг қасамларини қабул қилишга кўнмаганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мақтулнинг диясини байтул-молдан берганлар. Чунки, қонни даъвога тортилаётган шахс зиммасига қўйишга йўл қолмади. Демак, мақтулнинг қони бекордан бекорга зое бўлиб кетмаслиги учун жаримани байтул-молдан бериш фарз бўлди.

Фуқаҳолар қасам ичиришнинг шартлари топилган ва мақтулнинг валийлари элликта қасам ичган ҳолда шу қасам билан собит бўладиган нарса ҳақида ихтилоф қилганлар. Саҳиҳ гап шуки, қасамнинг шартлари тўла бўлиб, қасам тамомига етганидан сўнг қасос шартлари тўла-тўқис мавжуд бўлса, даъвога тортилаётган шахсдан қасос олиш собит бўлади. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан эллик киши (Муслим ривоятида: эллик қасам) улардан бирига қарши қасам ичади, шунда унинг бўйнидан боғлаб, топширилади», деганлар (Бухорий (6142) ва Муслим (1669) ривоятлари). Имом Муслим лафзида: «Уни сизларга топширилади». Демак, қасам ҳужжат-исбот ўрнига ўтар экан.

Аллома Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ қасам билан ҳукм собит бўлиши хусусида айтади: «Даъвонинг ўзи билангина берилмайди. Балки гувоҳларнинг тағлиби (ғолиб қилиши) устига гумонга унинг тўғрилиги ғолиб бўлган зоҳир далил билан берилади. У лавс, зоҳир адоват ва зоҳир қарина (белги)дир. Шариат соҳиби мақтулнинг валийларидан бир бегуноҳни айблашга иттифоқ қилишлари маҳол бўладиган даражада, яъни эллик кишига қасам ичириш билан бу сабабни қувватлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Агарчи одамларга қилган (қуруқ) даъволари билан (даъво қилган нарсалари) берилганда эди...» (Бухорий (4552), Муслим (171) деган сўзлари қасамга умуман зид келмайди, фақатгина қуруқ даъво билан берилишни рад қилади» (Иъламул-муваққиъийн: 2/331).

Фуқаҳола – раҳимахумуллоҳ – айтадилар: Кимда-ким жумъа ёки тавоф тикилинчи ичида ўлса, унинг дияси байтул-молдан берилади. Чунки, Умар ва Алий розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Арафотда бир киши тикилинчда қолиб ўлганида унинг аҳли Умар хузурига келишди. У киши унинг қотилига далил-исбот сўраганларида Алий: «Эй амирул-муъмийн! Мусулмон кишининг қони зое қилинмайди. Агар қотилини билсангиз хўп, акс ҳолда унинг диясини байтул-молдан беринг», деганлар («Ал-муғний»да (8/385) айтилишича, Саид ибн Мансур «Сунан»да ривоят қилган).

Таъзирга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Таъзир луғатда ман қилиш, тўсиш маъносини англатади. Баъзан таъзир деганда ёрдам бериш маъноси ҳам қасд қилинади, чунки у тажовузкорни озор беришдан ман қилишдир. Таъзирнинг ҳурматлаш маъноси ҳам, адабини бериш маъноси ҳам бор, у қарама-қарши маънони ифодаловчи сўзлардан ҳисобланади.

Таъзирнинг фикҳий истилоҳий маъноси – адаб беришдир. Бундай деб номланишига сабаб – у қилиш жоиз бўлмаган ишдан тўсади ва ҳурматга сазовор бўлишга олиб боради. Чунки, таъзир берилган шахс шу сабабли нолайиқ ишни қилишдан тўсилса, унда вақор ҳосил бўлади.

Таъзирнинг Исломдаги ҳукми шуки, ҳад (белгиланган жазо) ва каффорати бўлмаган ҳар қандай маъсиятда, яъни ҳаром ишлар қилинганда ва вожиблар тарк қилинганда таъзир бериш вожибдир. Улул-амр (давлат бошлиғи) шунда фойда бор деб кўрса уни ижро қилади, тарк қилишда фойда бор деб кўрса

тарк қилади. Таъзирни бериш учун уни талаб қилиб чиқилишга зарурат йўқдир. Тажовуз қилинган шахс талаб қилмаса ҳам тажовузкорга таъзир берилади. Бунда ҳокимнинг ижтиҳодига қаралади, чунки жиноятлар қаттиқлик ва кучсизликда, кўп ва озликда тафовут қилади.

Саҳиҳ гап шуки, унда муайян чек-чегара йўқ. Лекин, агар маъсият унинг жазоси шориъ томонидан белгилаб қўйилган зино ва ўғирлик каби жиноят бўлса, таъзирни ўша белгиланган миқдорга етказилмайди.

Баъзан таъзир агар манфаат шуни тақозо қилса, қатл қилишга ҳам етиб бориши мумкин. Жосусни қатл қилиш, мусулмонлар жамоасини бўлиб юборувчини қатл қилиш, Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатларидан бошқа нарсага чақирувчини қатл қилиш ва шу каби фақат қатл билан даф қилиш мумкин бўлган ишларда бўлгани каби.

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Бу энг адолатли сўздир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ва у зотнинг рошид халифалари суннати шунга далолат қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотини ўзининг жориясини эрига ҳалол қилган кишига юз дарра уришга буюрганлар ва шубҳа бўлгани учун ундан (эрдан) жазони бекор қилганлар, Абу Бакр ва Умар бир ёпинчиқ остида топилган эркак ва аёлни юз даррадан уришга буюрганлар. Умар Сабиг ибн Ислни бидъат қилганини кўриб, кўп урганлар ҳатто у бидъатидан қайтган» (Мажмуъул-фатава: 28/108).

Шайхулислам айтади: «Агар фасодни даф қилиш кўзда тутилган бўлса ва бу фақат қатл билан амалга ошса, қатл қилинади. Кимдан фасод ишлар такрор-такрор содир бўлса ва белгилаб қўйилган ҳадлар билан тийилмаса, у фақат қатл билан даф бўладиган зўравон сифатида қатл қилинади» (Ал-фатавал-кубро: 5/529).

Таъзирнинг озига чегара йўқ, чунки жиноятлар оғир-енгилликда ҳамда аҳвол ва замонларнинг фарқланишига қараб тафовутли бўлади. Шу боис айрим жиноятларнинг жазолари зарурат ва маслаҳатга қараб ҳокимнинг ижтиҳодига қайтади ва лекин Аллоҳнинг амру наҳийларидан ташқарига чиқмайди.

Таъзир уриш билан бўлгани каби қамаш, шапалоқлаш, ҳайфсан бериш, амалидан бўшатиш ва шу қабилар билан ҳам бўлади. Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Баъзан «эй золим!», «эй тажовузкор!» деб

уришиш ва мажлисдан чиқариб юбориш каби ишлар билан ҳам бўлади...»

Таъзирни ўн қамчи уришгача оширишга ижозат берганлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Бирон киши Аллоҳнинг ҳадларидан бир ҳаддан бошқа ҳолда ўн қамчидан ортиқ урилмайди» деган сўзларига бу ердаги ҳаддан мурод шариатда белгилаб қўйилган жазолар эмас, балки маъсиятлар ва ҳаром ишлардир, Аллоҳнинг ҳадлари У ҳаром қилган ишлардир, шу боис маслаҳатга ва жиноятнинг миқдорига қараб таъзир берилади, деб жавоб берадилар.

Таъзир бирон аъзони кесиш ёки таъзир берилувчини жароҳатлаш ё соқолини кириб ташлаш билан бўлмаслиги керак, чунки бунда мусла қилиш ва майиб қилиш ҳосил бўлади. Шунингдек, ароқ ичириш каби ҳаром билан таъзир бериш ҳам жоиз эмас.

Ким одамларга азият етказиш билан танилган бўлса ва кўзи (тегиши) билан уларнинг молига озор етказса, то ўлгунича ё тавба қилгунича қамаб қўйилади.

Имом Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Уни қамаб қўйиш ва одамлардан ёлғизлатиб қўйиш, то ўлгунича емак-ичмагини бериб туриш лозим. Бир қанча фуқаҳолар ана шундай деганлар, бунда хилоф бўлиши керак эмас. Чунки, бу мусулмонларнинг фойдаси ва улардан озорни даф қилиш йўлидир» (Мадарижус-саликийн: 1/401).

Яна айтади: «Салтанатда сиёсат билан иш тутиш пухталиқдир. Имом модомики шариатга хилоф қилмаса, бундан холи бўлмайди. Агар адолат белгилари зоҳир бўлса ва қайси йўл билан бўлса ҳам унинг (адолатнинг) юзи очилса, Аллоҳнинг шариати ўша ердадир. Одилона сиёсат шариат айтган нарсага муҳолифдир, дейилмайди, балки у шариатга мувофиқ ва унинг жузъларидан бир жузъдир. Биз уни сизлар қўйган атама туфайли сиёсат деб номлаймиз. У ҳақиқий шариатдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тухмат хусусида қамаганлар...» (Бадаиул-фаваид: 3/674).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ кўзбўямачилар ҳақида айтади: «Илон ўйнатаётган, олов ичига кираётган ва ҳоказо кишиларга таъзир берилади, мусулмон кишини мусулмонлиги учун камситадиган, зиммийни (кофирни), қабр ва мазорни зиёрат қилган одамни ҳожи деб атайдиган кишига ҳам таъзир берилади» (Ал-фатавал-кубро: 4/605).

Агар даъвогарнинг даъвога тортилган шахсга озор берадиган даражада

ёлғонлагани ошкор бўлса, унга таъзир берилади ва унинг зулми туфайли кўрган зиёнини тўлаши лозим бўлади.